БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

№ 178
16 ОКТЯБРЬ ШАНБА 1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

Чорва қишловига ҳамма нарсани тахт қилиб қўяйлик

Партия ва ҳукуматимиз кенг меҳнаткашлар оммасининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ва енгил саноатнинг хомашёга бўлган ва тобора ўсиб бораётган талабларини максимал даражада қондириш учун жуда муҳим тадбирларни белгиладилар. Маҳсулот етиштиришнинг асосий манба'ларидан бири — чорвачиликдир. Бутун халқ хўжалигининг манфаатлари чорва молларининг сонини янада кўпайтиришни ва уларнинг маҳсулдорлигини анча оширишни талаб этади.

Областимизнинг илғор колхоз ва совхозлари чорвачиликни ривожлантириш ва унинг товар маҳсулотини кўпайтиришда катта натижаларга эришмоқдалар, зоотехниканинг янги усулларини, фан ютуқларини ва илғорларнинг тажрибасини кенг қўлланмоқдалар, молларни яхши боқиб семиртирмоқдалар. Калинин районидаги Сталин номли, Янгийўл районидаги Ленин номли, Сталин номли, Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли, Мирзачўл районидаги «Октябрь», Оржоникидзе районидаги Сталин номли ва бошқа колхозлар, Чиноз районидаги 3-нчи ва 4-нчи васлдор моллар совхозлари моллар сонини йил сайин кўпайтирмоқдалар. Улар чорва молларининг янги турлари бўйича қўшимча фермалар ташкил этдилар. Илғорларнинг муваффақияти шундаки, улар барча молларни йил бўйи кўк ва серсув ўтлар блан боқишни уюштирмоқдалар. Бунинг учун улар олмошлаб экишни кенг жорий этиб, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда яйловларнинг ҳолатини яхшилаш ҳисобига кўп миқдорда емхашак тайёрламоқдалар.

Аммо, илғорлар эришаётган бу муваффақиятлар блан кифояланиб қолаолмаймиз. Барча колхозлар ва совхозлар чорвачиликни ривожлантириш юзасидан берилган планни тўла бажаргандагина бу соҳада умумий юксалишга эришиш мумкин бўлади. Ҳозир чорвадорларимиз олдида энг муҳим ва мас'улиятли вазифа турипти. Чорва моллари сонини кўпайтириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишни кўп жиҳатдан чорва қишловини намунали ўтказишга боғлиқдир. Қиш даври ҳарбир чорва фермаси учун, чўпон ва зоотехника ходими учун катта синовдир. Бу даврда чорвадорларимизнинг иши ниҳоятда мураккаблашади, молларни боқиш процесси қийинлашади, иш ҳажми кенгаяди. Ана шуни ҳисоба олиб, чорва қишловига ҳаржиҳатдан пухта тайёргарлик блан кириш — шу кунлардаги асосий вазифадир.

Броқ, областимизнинг кўпгина районлари ва колхозлари чорва қишловига ўтган йиллардагидек бу йил ҳам етарли тайёргарлик кўрмаётирлар. Ем-хашак тайёрлашда сводкалардаги ма'лумотларни ҳаддан ташқари ортиқча кўрсатиб, давлат ва коллектив хўжалик манфаатларига зарар етказиш ҳоллари содир бўлмоқда. Ховос район партия комитетининг секретари Мирдадаев ва район ижроия комитетининг раиси Бойботиров ўртоқлар чорва қишловига тайёргарликни кучайтириш ва ем-хашак базасини яратиш ишига ҳали ҳам эскича — юзаки раҳбарлик қилмоқдалар. Райондаги колхозларда ем-хашак тайёрлаш соҳасида кўзбўямачилик қилмоқдалар. Киров номли колхознинг правление раиси ўртоқ Қўлдош Маҳкамов 1320 тонна хашак тайёрланганлиги ҳақида район ташкилотларига ма'лумот юборган. Текшириб кўрилганда фақат 1005 тоннага яқин хашак жамгарилганлиги ма'лум бўлди. Охунбобоев номли колхозда (раиси Суюн Марқаев, бошлаётган партия ташкилотининг секретари Қ. Маҳкамов ўртоқлар) ҳам худди ана шундай ярамас аҳвол юз берди. Бу колхозда тайёрланган хашак миқдори 110 тонна ортиқча кўрсатилган. Район партия ва совет ташкилотлари айрим колхоз раҳбарлари ўртасида кенг тус олган ана шундай нотўғри хатти-ҳаракатларга қарши кескин курашмаётирлар.

Областимизнинг Паркент, Оҳангарон, Юқоричирчиқ районларида ем-хашак тайёрлаш ҳали ҳам тугалланган эмас, молхоналар қуриш ва эскиларини ремонт қилишга яқиндагина киришилди. Ана шу районларнинг партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари чорвачиликни ривожлантириш учун курашга кенг жамоатчиликни сафарбар этмаётирлар. Оҳангарон, Ховос ва бошқа кўпгина районларда чорва молларини боқиш ва парвариш қилиш яхши уюштирилмаганлиги орқасида чорвачиликнинг маҳсулдорлиги паст даражада қолиб келмоқда, сут соғиб олиш, гўшт, жун тайёрлаш ва чорвачилик бўйича бошқа сифат кўрсаткичларининг пасайиб кетишига йўл қўймоқдалар. Қишлоқ хўжалигининг жуда муҳим тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантиришга ана шундай юзаки муносабатда бўлиш ҳолларига қат'иян барҳам бериш керак.

Партия, ҳукуматимиз чорва қишловини намунали ўтказиб, ҳамма молларни, шунингдек паррандаларни тўла сақлаб қолганлари учун колхоз раисларига, ферма мудирлари ва мутахассисларга 5 — 10 — 20 процент миқдорида қўшимча ҳақ тўлашни жорий этдилар. Партия ва ҳукуматимиз томонидан кўрилган бу тадбир чорвадорларимиз меҳнатининг қанчалик юксак тақдирланаётганлигини жуда равшан кўрсатади.

Ҳарбир чорвадорнинг вазифаси — илғорлар қаторидан жой олиш учун чорва қишловига пухта тайёрланишдир. Олдиндан, планли равишда моҳирлик блан олиб борилган тайёргарлик ишлари кейинчалик муваффақият қозонишни та'минлайди. Ҳарбир колхоз раиси, ферма мудири, ҳарбир совхоз директори ва чорвачилик мутахассиси ўз-ўзига шундай саволни бериши керак: яқинлашиб келаётган чорва қишловига ҳамма нарса тайёрми, ем-хашак етарлими, узоқ жойлардаги фермаларга мол озуқаси ташиб етказилдими, молхоналар, отхоналар, бостирмалар ремонт қилиндими, асбоб-ускуналар ва механизмлар тахт қилиб қўйилганми? Масалага ана шу нуқтан назардан қараш ва уни дарҳол ижобий ҳал этиш лозим. Бу соҳада салгина бўлса ҳам бўшашучилик қилиш ёмон оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Ўтган йили мол қишловига пухта тайёргарлик кўрилмаслиги орқасида областимизнинг айрим колхозларида баҳор мавсуми келмасданоқ ем-хашак етишмай қолди. Бунинг натижасида моллар ориқлаб, уларнинг бир қисми нобуд бўлди. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари бу йил ана шу хатоларнинг такрорланмаслиги учун ҳарбир чорва фермасида мустаҳкам ем-хашак базаси яратилишини та'минлашлари керак. Чорва қишловига қандай тайёргарлик кўрилаётганлигина ҳамма жойда пухта текширишдан ўтказиш лозим.

Ҳарбир колхоз ва совхозда чорвачилик бинолари қуриш юзасидан берилган топшириқ бажарилиши шарт. Молхона, отхоналар қуриш, силос иншоотлари барпо этиш, тахта тилиш ва бошқа ишларда колхозларга ёрдам бериш — қишлоқдаги давлат корхонаси бўлган машина-трактор станциялари коллективларининг жуда муҳим вазифасидир. Шу блан бирга чорвачилик фермаларидаги оғир ишларнинг ҳаммасини комплекс асосда кўпроқ машиналаштириш ва механизациянинг янги, энг мукаммал ва самарали методларини кенг қўлланиш — қишлоқ хўжалигини янада тараққий этдириш соҳасидаги жуда муҳим ишдир.

Чорва фермаларидаги мавжуд ем-хашакларни тўғри сақлаш ва улардан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор бериш зарур. Чорва қишловининг бошланишига оз вақт қолди. Об-ҳавонинг қулай пайтида далаларда етиштирилган ғалла, сабзавот, картошка ва бошқа экинлар ҳосилини тезда, нобуд қилмай йиғиштириб олиш керак. Бу нарса колхоз ва совхозларда чорва моллари учун кўп миқдорда ва юқори сифатли қўшимча серсув озуқа жамғариб қўйиш имкониятини беради.

Чорва фермаларида ёш молларни ва ориқ молларни боқишга алоҳида эътибор бериш лозим. Молларнинг турларига ва талабларига қараб ем-хашакни қат'ий норма бўйича бериш ва уларни сув блан та'минлаш жуда муҳимдир. Бу соҳада зоотехника ходимлари ва ветеринария врачлари чорвадорларимизга актив ёрдам беришлари керак.

Чорвачиликни ривожлантириш, барча молларнинг соғлом, семиз боқилишини та'минлаш учун қиш мавсумига ҳартарафлама пухта тайёргарлик кўриш — барча колхозлар, совхозлар ва чорвадорларимизнинг умумдавлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишидир.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 15 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Мирзачўл	2,64	82,80	Бўка	1,77	43,64
Сирдар'ё	2,12	61,89	Бекобод	1,23	40,39
Верхне-волинск	1,80	57,83	Янгийўл	1,74	39,71
Гулистон	1,66	56,94	Пискент	1,13	38,68
Оржоникидзе	1,96	52,15	Оҳангарон	1,22	38,50
Юқоричирчиқ	1,69	50,54	Октябрь	1,56	38,28
Калинин	1,82	49,29	Қуйичирчиқ	1,73	36,71
Чиноз	1,69	46,49	Ўртасарой	1,26	35,80
Оққўрғон	1,47	45,01	Ўртачирчиқ	1,07	34,49
Ховос	1,55	43,68	Паркент	1,40	28,60

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 15 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
«Малик»	2,22	64,64	Учинчи «Далварзин»	1,45	37,94
Сталин номли 16-нчи совхоз	2,11	52,49	Сталин номли 17-нчи совхоз	1,70	37,35
Биринчи «Далварзин»	1,49	46,73	Иккинчи «Боёвут»	1,51	37,29
Учинчи «Боёвут»	1,72	43,60	«ЎзССР бешйиллиги» совхози	1,73	36,71
Иккинчи «Далварзин»	1,40	42,89	Тўртинчи «Боёвут»	1,30	33,06
Биринчи «Боёвут»	1,66	42,49			

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Англия парламенти а'золари делегациясини қабул қилди

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов 14 октябрьда Англия парламенти а'золарининг Лорд Коулрэйн бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

К. Е. Ворошилов СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Англия парламенти а'золарининг делегациясини табриклади.

Лорд Коулрэйн ўз жавобида делегациянинг хурсандчилик блан кутиб олинганлиги учун ташаккур изҳор қилди ва Англия парламенти делегациясининг СССРда бўлиши инглиз ва совет халқлари ўртасида ҳамжиҳатликни кучайтиришга ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган фаолиятларида энг яхши муваффақиятлар тилади.

Қабул маросимида СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари А. А. Громико ва СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида Буюк Британиянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси У. Хэйтер ҳам ҳозир бўлди. (ТАСС).

Севастополь қаҳрамонона мудофаасининг юз йиллигига бағишланган кеча

Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари Севастополь қаҳрамонона мудофаасининг юз йиллигини нишонламоқдалар. Пойтахтдаги корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларида ана шу шонли нун шарафига доклад, суҳбат, лекциялар ўтказилмоқда.

14 октябрьда сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи Бутуниттифоқ жамияти Марказий лекторийсининг катта зали Москвадаги корхоналар, муассасалар ва ўқув юртларининг мингдан ортиқ ишчи ва хизматчилари блан лиқ тўлди. Бу ерда Севастополь қаҳрамонона мудофаасининг юз йиллигига бағишланган кеча бўлди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Армия генерали И. Е. Петров кечани очиб, рус халқининг 1853-1856 йиллардаги Қрим урушида ажнабий босқинчиларга қарши олиб борган қаҳрамонона кураши тўғрисида сўзлаб берди. Севастополь шаҳрини мудофаа қилиш учун олиб борилган жангларда солдатлар, матрослар ва офицерлар ўзларини сўнмас шон-шуҳрат блан қопладилар. И. Е. Петров Улуғ Ватан уруши йилларида Севастопольни мудофаа қилиш вақтида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти жангчилари кўрсатган қаҳрамонлик зафарлари ҳақида ҳам гапирди.

Кечада вице-адмирал И. И. Азаров, генерал-лейтенант И. Ф. Чухнов, вице-адмирал В. Г. Фадеев, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Л. М. Павличенко, генерал-майор П. И. Мусьяков Совет Иттифоқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши даврида Севастополь мудофаси тўғрисидаги хотираларини сўзлаб бердилар.

Кеча қатнашчилари учун концерт қўйиб берилди. (ТАСС).

Бошқирдистон АССРнинг колхоз ва совхозлари ғалла тайёрлаш планини бажардилар

Бошқирдистон АССРнинг колхоз ва совхозлари ғалла тайёрлаш ва сотиш планини муддатидан илгари бажардилар. Давлатга ўтган йилдагидан 7,4 миллион пуд кўпроқ ғалла топширилди. Сабзавот тайёрлаш ва сотиш плани 106 процент бажарилди.

Республикадаги колхоз ва совхозлар кузги экинларни агротехника жиҳатидан энг яхши муддатларда экиб, белгиланган планни ошириб бажардилар. Улар баҳорда экиладиган экинлар уруғини жамғариб қўймоқдалар, давлатга картошка кунгабоқар ва қанд лавлаги топширмоқдалар.

Колхоз, МТС ва совхозлар ерларни ҳайдаб қўймоқдалар ва мол қишловига тайёргарлик кўрмоқдалар.

Горький областининг колхоз ва совхозлари ғалла тайёрлаш планини бажардилар

Горький областининг колхоз ва совхозлари ғалла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажардилар. Областьдаги колхозлар 1955 йил қўкламида экиш учун уруғлик жамғариб қўймоқдалар, МТСларнинг ишлари учун натура ҳақи ҳисобидан ғалла топширишни давом этдирмоқдалар ва меҳнат кунлари юзасидан колхозчиларга ғалла бермоқдалар.

Областьдаги колхозлар кузги экиш планини 108,7 процент бажардилар ва бу ишни агротехника жиҳатидан энг яхши муддатларда ўтказдилар. Областьдаги колхоз ва совхозларда барча қишлоқ хўжалик ишларини тугаллаш ва картошка, сабзавот, зиғир ҳамда чорвачилик маҳсулотларини топшириш давлат планларини бажариш чоралари кўрилмоқда.

Областимизда

Ўн ойлик план муддатидан олдин бажарилди

Тошкентдаги ремонт-подшипник заводининг коллективи давлат топшириғини ой сари ошириб бажариб келмоқда. Заводнинг меҳнатсевар ишчилари, инженер-техник ходимлари Ўзбекистон ССРнинг шонли юбилейи шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, мавжуд ишлабчиқариш майдонидан маҳсулот олишни кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар.

Завод коллективи меҳнат унумини ошириш учун барча резервлардан унумли фойдаланиб, 10 ойлик давлат топшириғини муддатидан илгари — 28 сентябрьда ялпи маҳсулот бўйича 100,1 ва товар маҳсулоти бўйича 102,4 процент бажарди ва пландан ташқари бирнеча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб берди.

Илғор коллективнинг бундай муваффақиятларга эришишида рационализаторлик таклифларини ишлабчиқаришга кенг жорий қилиш ва машиналарнинг ишсиз туриш вақтини камайтириш учун олиб борилган кураш муҳим роль ўйнади. Цех бошлиқларининг сменаларарo меҳнатни ташкил қилиш ишига э'тиборни кучайтиришлари, унумли ишлаш учун барча шароитларни яратиб беришлари орқасида меҳнат унуми 4,1 процент оширилди, маҳсулот таннархи эса, 7,7 процент камайтирилди. Ўтган 9 ой мобайнида хомаш'ё ва электр энергиясини тежаб сарф қилиш, ортиқча харажатларни қисқартириш туфайли 70 минг сўмлик маблағ тежалди.

Завод кўчма Қизил байроғини ўз қўлида мустаҳкам сақлаб келаётган ўртоқ М. Чернишев бошчилигидаги автомат-токарьлик цехнинг коллективи фидокорона меҳнат қилиб, 10 ойлик ишлабчиқариш программасини муддатидан бир ой олдин 110,3 процентга етказиб адо этди. Шунингдек 10 ойлик программани пардозлаш цехи 106,7 процент, реставрация цехи 105,3 процент ва йигув цехи 104,9 процент қилиб адо этдилар. Бу цехлардаги А. Кабанова, Ҳ. Зокирова, Ш. Муродова сингари ўнлаб илғор ишчилар смена нормаларини 1,5—2 ҳиссадан бажариб, коллектив ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Систематик равишда смена топшириғини 2—2,5 баравар бажариб келаётган А. Кузячкина, З. Каримов, В. Матракшина, М. Мажидов каби новаторлар ҳозир 1956 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига ишламоқдалар.

Қ. ҲИКМАТОВ.

390 минг сўмлик маблағ тежалди

Чирчиқ ГЭС тизмаларининг энергетиклари шу кунларда Улуғ Октябрь байрами ҳамда Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейини юқори меҳнат кўрсаткичлари блан кутиб олиш учун самарали меҳнат қилмоқдалар. Энергетикада ўртасида рационализаторлик ҳаракати тобора авж олмоқда. Ўтган 9 ой ичида ишчилар ва инженер-техник ходимлар томонидан 73 та рационализаторлик таклифи киритилди. Бу таклифларнинг деярлик кўпчилиги ишлабчиқаришга жорий қилиниб, давлатнинг 390 минг сўм маблағи тежалди.

ГЭС тизмаларининг рационализаторларидан комсомол ГЭСининг старший мастери И. Королёв, Товоқсой ГЭСининг старший машинисти С. Оборкин, Оққовоқ ГЭСининг механиги Т. Бочкарев ўртоқлар меҳнат унумини оширишга, ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштириш ва қўлбоғ электр қуввати тежашга имкон берадиган бирнеча қиймматли янгиликлар яратиб, коллектив ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Т. ФЗАЛОВ.

Социалистик мусобақа асосида

Оржоникидзе районидаги Ташоблпром советига қарашли «Сила» артелининг коллективи меҳнат унумини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун қурашиб, ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Коллектив 9 ойлик давлат топшириғини ошириб бажариб, 940 минг сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрлаб берди. Шу даврнинг ичида меҳнат унуми белгиланганидан 15 процент оширилди, маҳсулот таннархи эса 14,5 процент камайтирилди, 229 минг сўмлик маблағ тежалиб, ишлабчиқарилган барча маҳсулотнинг 95 проценти биринчи сортга топширилди.

Бундай муваффақиятларга эришишда илғор иш методларининг кенг оммалаштирилиши, юбилей олди социалистик мусобақасининг қизиқиб юборилиши катта аҳамиятга эга бўлди. С. Обидова, Е. Брюхова, Ҳ. Шамсиева, З. Турсунова ва А. Коткова сингари илғор ишчилар нуқул а'ло сифатли маҳсулот бериш блан бирга кундалик нормаларини 140—160 процентдан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Шу кунларда артель ишчилари йиллик планни ҳамма кўрсаткичлар бўйича 7 ноябрьгача бажариш ва йил охиригача бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар.

Т. УНАБОЕВ.

Юбилей шарафига

Тошкентдаги электрокабель заводининг коллективи қишлоқ хўжалигимизни, саноатни ва транспортни кўпроқ а'ло сифатли кабель блан та'минлаш мақсадида Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, катта натижаларга эришмоқда.

Заводнинг сим ўраш цехи ишчилари социалистик мусобақада олдинда бориб, бошқаларга намуна бўлаётирлар. Ўртоқ Евдокия Денисова бошчилигидаги «а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаручи бригада» а'золаридан Ольга Левикина ва Анна Винникова ўртоқлар кундалик планни 150—160 процентга етказиб бажармоқдалар.

Цехнинг ўртоқ Хафиза Алимова, Татьяна Ликова ва Надя Емельяновалар бошчилик қилаётган бригада а'золари сентябрь ойи планини бир ярим баробар ошириб бажардилар. Слесарьлардан ўртоқ Е. Невский ва А. Муриновлар август ойида бирқатор рационализаторлик таклифларини киритдилар. Горизонталь сим ўраш машиналарининг тасмаси тез-тез ўзилиб турар эди. Слесарь Невский ва Муринов ўртоқларнинг таклифига муваффақ машиналарнинг илгариги тасмалари ўрнига анча пишиқ материалдан ясалган ва кўпга чидайдиган тасма ўрнатилди. Натижада меҳнат унуми анча ошди. Машиналарнинг тасмалар улангунча бекор туриб қолиш ҳоллари бутунлай йўқотилди. Шу таклифни ишлабчиқаришга жорий қилиш блан цех ҳар йилига қарийб 17 минг сўм маблағ тежаш имкониятига эга бўлди.

Завод дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотларининг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлган бу цех коллективи иш унумини кундан-кунга ошириб, янгидан-янги ютуқларга эришиш учун астойдил курашмоқда.

Ж. ДУСТМУҲАМЕДОВ.

КУЗГИ ҚУРТ БОҚИШДА ПИЛЛАДАН МУЛ ҲОСИЛ ОЛИНДИ

Тошкент областининг диллачилари давлатга кузги қурт боқишдан пилла топширмоқдалар. Илғор звенолар қиймматли хомаш'ёдан мўл ҳосил олдилар. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг звено бошлиғи Ҳамида Турсунова тайёрлаш пунктига ҳар қути қурт уруғидан топширикда белгиланган 35 килограмм ўрнига 40 килограммдан, Оққўрғон районидаги Сталин номли ва Молотов номли қишлоқ хўжалик артельларининг звено бошлиқлари эса ҳар қути қурт уруғидан 44 килограммдан пилла топширдилар. Биринчи марта оммавий равишда амалга оширилган кузги қурт боқиш область колхозларига қўшимча суратда ўнларча тонна пилла олиш имкониятини беради. (ЎзТАГ).

КУЗГИ ДАРАХТ ҚУЧАТЛАРИ ЎТҚАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

Олмалиқда генерал планга мувофиқ шаҳарни кўкламзорлаштириш юзасидан катта ишлар амалга оширилиши белгиланган. Жумладан шаҳар марказида 25 гектар ерда маданият ва истироҳат боғи барпо этилади. 1954 ва 1955 йилнинг куз ойларида юз мингдан ортиқ турли дарахт кўчатлари ўтқазилади.

Шу кунларда дарахтларни ўтқазиш учун тайёргарлик ишлари қизитиб юборилди. Тўртинчи участка районида бир ярим гектар ер майдонига эга бўлган сквердa иш олиб борилмоқда. Бу ерда тўрт минг тупдан ортиқ терак, акация ва қайроғоч каби дарахтлар экилиши мўлжалланди.

Олмалиқ станциясида кузги дарахт ўтқазиш юзасидан бошланган иш кенг миқ'ёсда олиб борилмоқда. Олмалиқсой водисида 6 гектар майдонда мевали боғзор ташкил этилади.

Н. ГОРОДНИЧЕНКО.

КОЛХОЗ ЛЕКТОРИЙСИ

Калинин районидаги Сталин номли колхозда оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган. Колхозчилар учун тез-тез кинофильмлар кўрсатилиб, лекциялар уюштирилиб турилади.

Бу йил колхоз правленеси ва партия ташкилотининг ташаббуси блан колхозда Ўзбекистон ССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатучи жамиятининг доимий лекторийси ташкил этилди. Сентябрь ойнинг ўтган ўн беш куни ичида колхозчилар «Ишчилар синфи блан деҳқонларнинг иттифоқи — Совет давлати мустаҳкамлигининг муҳим шартидир», «Оламнинг тузилиши ҳақида» деган темаларда жамият а'золари Норйигитов ва Жалоловларнинг лекцияларини тингладилар. Доимий лекторий планига мувофиқ колхозда декабрьгача яна 20 га яқин лекция ўқилади. Лекцияларни сиёсий ва илмий билимларни тарқатучи жамиятнинг а'золари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ўқийдилар. Колхозчилар лекцияларни зўр қизиқиш блан тингламоқдалар.

У. УМАРБЕКОВ.

ПАХТАКОРЛАР УЧУН КОНЦЕРТЛАР

Яқинда, Мирзачўл район колхоз-совхоз театрининг артистлари Бўка районидаги пахтакорларига катта программада концерт қўйиб берди.

Театр артистлари томонидан ижро этилган ашулалар, рақслар, куйлар тамошабинларнинг э'тиборини ўзига жалб қилди. «Тоҳир ва Зуҳра», «Нурхон», «Олтин кўл» ва «Юрак сирлари» постановкаларидан қўйилган парчаларни колхозчилар катта қизиқиш блан тамоша қилдилар.

Бўка қишлоқ советидаги Сталин номли, Охунбобоев номли, Қорақўйли қишлоқ советидаги «Ленинобод» колхозларида кўрсатилган катта программадаги концертларга жуда кўп колхозчи қатнашди.

Бўка район пахтакорлари Мирзачўл театрининг коллективига миннатдорчилик изҳор қилмоқдалар.

Я. ИСМАТОВ.

Пахтакорлар учун янги машина

Чирчиқ машинасозлари республикамизнинг қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва мавжуд машиналарни такомиллаштириш соҳасида самарали ишлар қилмоқдалар. Конструктор Тарасов бошчилигида Чирчиқ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг бир группа конструкторлари пахтачилик саноатида биринчи марта кўрак теруви машина ихтиро қилдилар.

Бу янги «СКН—2,8» маркали машинанинг биринчи тажриба нусхаси сентябрь ойида битказилди ва Оржоникидзе районидаги Пушкин номли колхозда тажрибадан ўтказилди. Тажриба вақтида қатнашган шу колхознинг раиси ўртоқ Аминов ва бошқа пахтачилик мутахассислари машинага юқори баҳо бердилар.

Совет конструкторлари томонидан яратилган «СКН—2,8» машинаси «У—4М» маркали резина ғилдиракли универсалга уланади ва бирданига 4 қатордаги ғўзаларнинг қурагини теради. Терим қуйидагича процесларда бажарилади.

Ғўза танаси машинанинг новдани тўғриловчи қисми (кустонаправитель) ёрдами блан иш аппаратига тўғриланади ва новдалардаги кўраклар 2 та тарновга тозоланиб, қирқиб тумирилади. Тарновлардан эса, пневматранспортерга узатилади. Вентилятор тозаланган кўраклар тўдасини учярим куб метр ҳажмдаги бункерга ўтказади. Тўлган бункерлар бошқаручи олдига ўрнатилган ричаг ёрдами блан махсус тайёрланган жойларга бўшатилади.

Бу янги машина 40 кишининг ишини бажаради. Ўрта ҳисоб блан соатига бир гектар ердаги ғўза кўрагини теради.

«Чирчиксельмаш» заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари йил охиригача ишлаб чиқариш планлаштирилган 100 дона «СКН—2,8» машинасини шу ой охиригача тайёрлаш учун зўр ғайрат қилмоқдалар.

Бу мажбуриятни бажаришда, айниқса 16-нчи механика-йигув цехининг ишчилари байрам шарафига меҳнат вахтасида туриб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Орлов, Лешчев, Смоляков сингари илғор слесарьлар смена нормаларини 2—3 ҳисса ошириб бажараётирлар. Суратда: «СКН—2,8» маркали кўрак териш машинаси.



Текст ва фото В. Скородумовники.

П А Р Т И Я Т У Р М У Ш И

Пропагандист Искров биринчи машғулотни қандай ўтказди?

Партия маорифи шохобчаларида ўқишларнинг йил бўйи муваффақиятли ўтказилиши партия ташкилотининг янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўришига, пропагандистларни тўғри танлашга, уларга зарур кўргазма ва методик қўлланмалар бериб туришга, биринчи машғулот кунини уюшқоқлик блан ўтказишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Лекин айрим партия ташкилотлари янги ўқув йилига тайёргарлик кўрган бўлсалар-да, уни охиригача етказмадилар, машғулотнинг биринчи кунини уюшқоқлик блан ўтказишга етарли аҳамият бермадилар. Бунга мисол қилиб «Ўзбекэнерго» партия ташкилотини (секретари Ўртоқ Жеребцова) кўрсатиш мумкин.

Партия ташкилоти янги ўқув йилига катта тайёргарлик кўрганга ўхшайди. Сиёсий мактаб ва тўгаракларни комплектлаштиришда ихтиёрийлик принципига тўла амал қилинган, пропагандистлар ўз вақтида белгиланган, тингловчилар тўгарак ва мактабларга ўқиш бошланмасдан илгари белгилаб қўйилган. Лекин, машғулотнинг биринчи кунидаёқ партия ташкилоти ўқиш йилига тайёргарликнинг айрим майда элементларини унутиб қўйганлиги сезилиб қолди. Сиёсий тўгарак ва мактаб тингловчиларининг рўйхатлари тузилиб, малум бир жойга осиб қўйилмаган, ҳарқайси группа учун, ўқиш хоналари олдиндан аниқ кўрсатилмаган.

Партия ташкилоти ўз пропагандистларининг район партия комитети ҳузуридаги пропагандистларнинг доимий семинарига қатнашиб туришлари устидан назорат қилмаган. Шу сабабли айрим пропагандистлар семинарга қатнашмаганлар. Масалан, пропагандист Искров район партия комитети ҳузуридаги пропагандистлар семинарида ўтказилган икки машғулотда ҳам қатнашмаган. Ваҳоланки, пропагандист Искров методик қўлланмага жуда муҳтож эканлиги биринчи машғулотдаёқ ма'лум бўлиб қолди. Чунки, у «Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва ўтказиш давридa большевиклар партияси» темасидаги биринчи машғулотни паст савияда ўтказди.

Пропагандист Искровнинг машғулотга пухта тайёрланиб келмаганлиги сезилиб турди. У материални оддий ва жонли қилиб баён этиш ўрнига тема юзасидан тузган конспектини бошдан-оёқ ўқиб берди. Конспект ҳам шундай суст, чўзиб ўқилдики, натижада пропагандистнинг темани ўтиб улгурмади. Бунинг устига у машғулотнинг бошланишидан то охиригача бир оҳангда гапирди. Шу сабаблн тингловчиларнинг бир қисми зериккиб, пропагандистнинг ҳикоясига қулоқ солмай қўйди.

Айрим масалалар пропагандист томонидан тўла-тўкис, чуқур таҳлил қилинмади, ба'зи масалалар эса нотўғри талқин қилинди. Масалан пропагандист икки ҳокимиятчилик тўғрисида гапириб, унинг моҳияти ва ўзига хос хусусияти нимадан иборат эканини кўрсатиб бермади. 1917 йил 18 июньда ва 3 июльда бўлган намойишларнинг моҳиятлари ҳам аниқ кўрсатиб берилмади. Бу намойишлар большевиклар партиясининг кучига чинакам кўрик бўлганлиги, Муваққат ҳукуматининг кризисга учрагандиги, меньшевик ва эсерларнинг эса пойтахтда тамомила халқдан ажралиб қолиб, муваффақиятсизликка учраганлиги алоҳида уқтириб ўтилмади.

Тўгаракнинг раҳбари Ўртоқ Искров 1917 йил 3 июльда Петроградда, Выборг районида ўз-ўзидан бошланган намойишларни тингловчиларга қуролли қўзғолон деб тушунтирди.

Марксизм-ленинизмни эгаллашда партия с'езлари, конференциялари, Марказий Комитет Пленумларининг қарорларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Чунки, бу ҳужжатларда Коммунистик партиянинг раҳбарлик ва етакчилик роли жуда ёрқин ифодаланган. Шунга кўра партия тарихини ўрганиш тўгарагида партия с'езди ва конференцияларининг қарорлари чуқур ўрганилиши, с'езднинг тарихий аҳамияти ҳартомонлама таҳлил қилиб берилиши лозим. Пропагандист Ўртоқ Искров партиянинг VI е'езди устида кам тўхталди, унда кўрилган барча масалалар устида қисқа-қисқа гапиридю, лекин энг муҳим масалани очиб бермади. С'езд ўзининг ҳамма қарорларида, пролетариат блан энг камбағал деҳқонлар иттифоқи тўғрисидаги ленинча қоида социалистик революция галабасининг шарти эканлигини қаттиқ та'кидлаб ўтганини пропагандист алоҳида қайд этиши керак эди. Ўртоқ Искров бу қоидани четлаб ўтди ва олтинчи с'езд партияни қуролли қўзғолонга ва социалистик революцияга томон йўллагани ҳақида гапирмади.

Шу темани ўтишда албатта марксизм-ленинизмнинг пролетар диктатураси ҳақидаги назарияси, деҳқонлар масаласи ва миллий масала устида, ленинизмнинг стратегия ва тактикаси ҳақидаги масалалар устида тўхталиш керак эди. Бу масалаларнинг ҳарбири устида алоҳида тўхталиб ўтмаса ҳам, пропагандистнинг суҳбати шу ғоялар блан суғорилган бўлиши керак эди. Лекин пропагандист Искров бу масалаларни ёритиб бермади.

Машғулотларда ўтилаётган темаларни ҳозирги кунниг воқиалари блан боғлаб олиб бориш машғулотнинг жонли, мазмунли ўтишига ва материални тингловчиларга чуқур тушунтиришга ёрдам беради. Бу жуда катта аҳамиятга эга. Аммо Ўртоқ Искров бу муҳим шартни ҳам унутиб қўйди. Масалан у, Советлар II с'езднинг сулҳ тўғрисида чиқарган декретини эслатиб ўтиш блан кифояланди, холос. Пропагандист бу ерда сулҳ тўғрисидаги декретни Совет ҳукуматининг ҳозирги кундаги тинчликсевар ташқи сиёсати блан боғлаб бериши, шу блан совет ҳокимияти ўзининг биринчи кунидан бошлаб то шу кунгача бутун дун'ёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида изчиллик блан курашиб келаётганини кўрсатиб бериши шарт эди.

Октябрь социалистик революцияси кишилик тарихида буюк бурилиш нуқтаси бўлиб ҳисобланади. Ў инсониятни озодликка олиб чиқишнинг кенг йўлини очиб берди. Бу революция бевосита Коммунистик партия раҳбарлиги остида амалга оширилди. Пропагандист бу тўғрида қизғин, оташин сўзлаб бериши керак эди. Ўртоқ Искров шу ерга келганда жуда суст гапирди. Бу темани ўтишда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оламшумул-тарихий аҳамияти тўғрисида гапирилмаганлиги, революциянинг бошқа мамлакатлардаги ишчилар ҳаракатига кўрсатган катта та'сири ҳақида гапирилмаганлиги машғулотнинг энг катта камчилигидир.

Партия тарихини ўрганиш бўйича сиёсий тўгаракларда пропагандист бўлиш — шарафли иш. Партия тарихини ўрганиш совет кишиларини жамият тараққиёти ва сиёсий кураш қонунлари тўғрисидаги билим блан, революциянинг ҳаракат кучлари тўғрисидаги билим блан қуроллантиради.

Тўгарак ишининг муваффақияти тингловчиларнинг давомати ва фаолиятига ҳам боғлиқдир. Ўртоқ Искров пропагандистлик қилаётган тўгаракнинг тингловчиларидан Островский ва Мирҳамидов ўртоқлар биринчи машғулотга сабабсиз қатнашмадилар. Габелия, Корчевская ўртоқлар эса машғулотга қалам ва дафтар олиб келмаганлар. Бунинг устига машғулот белгиланган муддатдан 12 минут кечикиб бошланди.

«Узбекэнерго» партия ташкилоти партия маорифи шохобчаларига раҳбарликни тубдан яхшилаши ва дастлабки кунларда рўй берган камчиликларни тезлик блан тугатиши керак.

С. ОРИПОВ.

Қишлоқ коммунистларининг ташкилотчилик роли

Пискент районидаги Молотов номли колхознинг далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозирги вақтда 600 га яқин киши пахта термоқда. Теримчиларнинг ярмидан кўпроғи нормани бирярим ва икки баравар ошириб бажармоқда. Колхоз тайёрлаш пунктига йиллик планнинг 40 процентидан кўпроқ пахта топширди. Молотов номли колхоз йиғим-терим ва пахта топшириш сур'ати бўйича районда биринчи ўринда бормоқда.

Колхоз коммунистлари ва комсомоллари йиғим-терим ишларини уюштиришда чинакам ташкилотчи бўлмоқдалар. Улар мусобақани кучайтириб юборишда, илғор иш методларини қўлланишда катта ташаббус кўрсатмоқдалар. КПСС а'золари Саодат Ҳолмуратова, Ўркия Ўрмонова комсомол а'золари Лайла Ўрозова, Ҳалима Ҳамроева ўртоқлар кунлик иш нормаларини уч баравар ошириб бажармоқдалар. Улар кўпмингчилар ҳаракатига юзларча пахтакорларни жалб қилдилар.

Колхоз партия ташкилоти ҳузуридаги агитколлектив илғор иш тажрибасини пропаганда қилиш соҳасида катта иш қилмоқда. Агитаторлар ҳар куни 300 килограммдан ва ундан ҳам ошириб пахта тераётган комсомол а'золари Лайла Ўрозова ва Исҳоҳат Иброҳимова ўртоқлар қўлланаётган жадал иш методлари ҳақида колхозчиларга сўзлаб бермоқдалар. Илғор теримчилар иш вақтидан унумли фойдаланмоқдалар. Улар эрта тонгда ишга чиқиб, қоронғи тушгунча тинмай меҳнат қилмоқдалар. Теримчилар бирнеча этак блан та'минланган. Шу сабабдан улар терилган пахтани ташиш учун ғанимат вақтни бекорга ўтказмайдилар. Терилган пахтани ҳисобчилар бевосита қатор ораларида кунига 4—5 марта қабул қилиб оладилар.

Колхоз правленеси ва партия бюроси пахтакорларнинг унумли ишлаши учун қулай шароит яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар. Теримчилар кунига икки марта иссиқ овқат блан та'минланмоқда. Бригада шийпоналарида болалар яслилари ишлаб турибди. Пул ва натура авансларн колхозчиларга тартибли равишда бериб турилмоқда.

Шу кунларда колхоз радиоузели катта ишлар қилмоқда. Масалан, 7 октябрь-да энг яхши теримчиларнинг иши ҳақида махсус эшитдириш берилди. Натижада бир кунда 270 килограмм пахта терган Хонигул Душаевага деярлик 12 меҳнат куни ва 227 сўм пул ёзилганлиги пахтакорларга ма'лум бўлди. Колхозчиларнинг йиғим-теримда кўп иш ҳақи олаётганларини пропаганда қилиш теримчиларнинг иш унуми ошишига ёрдам бермоқда.

Колхоз правленеси ва партия ташкилоти олинган мажбуриятни бажариш—750 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 30 центнердан ҳосил олиш ва давлатга топшириш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Илмий-атеистик темаларда лекциялар

Орджоникидзе район партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими (мудири Ўртоқ Аҳмадхўжаев) пахтакорлар ўртасида турли темаларда лекциялар ўқишни яхши йўлга қўйган. Пахта терими бошлангандан буён район колхозларида диннинг реакцион моҳияти ҳақида 50 дан ортиқ лекциялар ўқилди. Яқинда область маданият бошқармаси қарамоғидаги марказий лекция бюросининг лектори Ўртоқ М. Имомқориева райондаги Охунбобоев номли колхоз а'золари ўртасида «Ислом дини хотин-қизлар душмани», «Ислом дини ва унинг реакцион моҳияти» деган темаларда лекция ўқиди. Лекцияни 200 дан ортиқ колхозчи тингланди.

Марказий лекция бюросининг лектори Ўртоқ Нишон Холматов районнинг «Ленинград», «Сталинград», Молотов номли ва бошқа колхозларида «Ер қимирлаши ва унинг сабаблари» деган темада лекция ўқиди. Бунга 500 га яқин киши иштирок этди. Район пахтакорлари учун яна бирқанча темаларда лекциялар ўқиб бериш планлаштирилди.

Т. УРУНОВ.

Тошкент МПС заводининг кўчма Қизил байроқли цехи. Суратда: «КВ—200» маркали компрессорнинг поршень группасини поток усули блан йиғиш пайти. Смена нормасини 250 процентдан бажараётган илтор слесарь В. Шербаков (чапда), цех мастери И. Ф. Назаров блан бирга поршеньга ғилдиран ўрнатаётир.

В. Салов фотоси.

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДА

БОЛАЛАР МУЗИКА МАКТАБИ

Шахтёрлар шаҳрида янги болалар музика мактаби очилди. Бунда халқ чалғу асбоблари, фортепиано ва ғижжак чалишни ўрганиш курслари бор.

Мактабда шахтёрларнинг 50 дан ортиқ ўғил-қиз болалари шуғулланмоқда.

ШАХТЁРЛАР ЎЗ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРМОҚДАЛАР

Яқинда «Узбекуголь» трест комбинатида мотористлар тайёрлаш бирярим ойлик курсини 45 киши тамомлади.

Бу ерда новалоотбойшчикларнинг ихтисосини ошириш группаларида машғулот бошланди. Йил охиригача 9-нчи шахтанинг ҳамма новалоотбойшчиклари шу курсда ўқиб, ўзларининг ихтисосларини оширадилар.

ИЛҒОРЛАРНИНГ ПОРТРЕТЛАРИ

Ўзбекистон рассомлари союзининг таклифи блан рассом ўртоқ С. Финкельштейн шаҳарга келди. У республикада расмлар юзасидан ўтказиладиган виставкага илғор шахтёрларнинг портретларини тайёрламоқда.

Рассом 9-нчи шахтанинг Братерский ва Пескорский каби илғор ишчиларининг расмларини тайёрлаб қўйди.

МЕҲНАТКАШЛАР УЧУН ЛЕКЦИЯЛАР

Кейинги вақтлар ичида шаҳар аҳолиси ва корхона меҳнаткашлари ўртасида илмий-атеистик пропаганда кучайтириб юборилди. Яқинда шаҳар партия комитетининг лектори Ўртоқ Иўлдошев 9-нчи шахта ишчиларига «Ислом дининг реакцион моҳияти» деган темада лекция ўқиб берди. Шаҳар врачлари меҳнаткашлар ўртасида алкоголизмнинг зарари ҳақида бирқанча лекция ўқидилар.

Шу йилнинг ўтган вақти ичида шаҳарда турли темаларга доир 500 дан ортиқ лекция ўқилди. Бунга 35 мингдан ортиқ киши қатнашди.

КОЛХОЗЛАРГА ОТАЛИК ЁРДАМИ

Шаҳар саноат корхоналарининг коллективи 1-нчи МТС хизмат қилаётган Оҳангарон районининг бирқанча колхозига оталик ёрдамини тобора кучайтирмоқда.

Яқинда бир группа лектор ва докладчилар пахтакорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишлари кучайтириш учун оталикдаги колхозларга жўнаб кетдилар.

Шаҳар маданият уйи бадиий ҳаваскорлар коллективи — «Шахтёр» ва «Строитель» клублари драматик тўгарагининг а'золари оталикдаги колхозларга бориб, пахтакорлар учун концертлар қўйиб бермоқдалар.

Е. ГОДОВИКОВ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

Некрасовнинг ше'рлар тўплами

Яқинда Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти босиб чиқарган буюк рус шоири Н. А. Некрасовнинг ше'рлар тўплами Ўзбек китобхонлари томонидан зўр қизиқиш блан кутиб олинди. Тўплам шоирнинг турли даврларда ёзган 25 ше'рини ўз ичига олади. Некрасов бу ше'рларда крепостной Россиясидаги камбагал деҳқонларнинг юрак дардларини, бурлакларнинг оғир, аянчли турмушини, қайғу-ҳасратларини ихчам бадиий формаларда поэтик тил блан моҳирона ифода қилган.

Некрасов ижодининг биринчи даврида ёзилган «Ватан» ше'ри крепостной тузумининг халқ бошига келтирган кулфатларини тасвирлашга бағишлангандир.

Некрасов ўзининг «Қоронғи кўчадан тунда ўтсам жим», «Мен зиёрат қилдим мазорингг» каби лирик ше'рларида дунёга келиб бирон кун ҳам инсондек турмуш кечираолмаган, мақсад ва орзуларига етишаолмай, ҳасрат ва ғурбатда ўтган кишиларнинг туйғу ва ҳаёжонларини ифодалайди. Некрасов «Ўрилмаган ер» ше'рида оғир меҳнат туфайли айни ўрим-йиғим пайтида хаста бўлиб қолган деҳқоннинг аянчли аҳволини тасвирлайди.

«Ўқучи» ше'рида рус халқининг фарзандларидаги билимга бўлган ҳавас, чанқоқликни завқ блан қуйлайди. Ота ўғлига сўнгги чақасини сарфлаб, ўқишга жўнатаркан, бола қувонч блан йўлга отланади. Некрасов мана шу қичик деталь орқали Россиянинг шуҳратини кўтарган кўпгина олимларнинг оддий халқ ичидан етишиб чиққанлигини та'кидлайди: Архангельскийли деҳқон ўғли ўз-ўзидан ўқиб, доно, буюк олим бўлиб етишди дейди ва:

Шунинг учун сени кўнглимдан
Севаман мен, эй туғишган Русь! —

деб хитоб қилади шоир.

60-нчи йиллар Некрасов поэзиясининг гуллаган давридир. Деҳқонлар ҳаётини ижодининг марказий темаси қилиб олган шоир бурлаклар, мужиклларнинг мусибатлар блан тўла ҳаётини зўр қайғу ва ачиниш блан куйлади.

«Шоир ва гражданин» ше'ри Некрасовнинг халқ, ватан хизмати учун астойдил бел боғлаган садоқатли, фидокор шоир эканлигидан далолат беради. Бу ше'рида шоир ўз ўлкасининг бахти учун жон куйдиручи, ҳарқандай қийинчиликлардан қайтмас, ватанпарвар граждан образини яратди. Некрасов бу ватанпарвар гражданнинг тилидан достонларининг «бебурд, беҳаёт», ҳажвларининг «гўзалликка ёт» деб, буржуа, либерал шоирларининг шармандасини чиқарди ва илғор зиёлиларни революцион курашга чақирди. Бу ше'рда улуғ рус революцион демократлари плеядасига мансуб ажойиб демократ шоирнинг жанговар овози янграб турибди:

Ўтга киргил ватан ша'ни-чун,
Э'тиқодинг ва севгинг учун...
Бор, ҳалок бўл дорсиз, нуқсонсиз
Ўлмагайсан беҳуда, бежиз...
Замирида қон оққан ҳар иш
Мустаҳкамдир, беражак туриш...

«Маҳкама эшиги олдидаги мулоҳазалар» ше'рида чор чиновникларига илтимос, арз блан келиб ҳеч бир иш чиқазолмасдан сарсон-саргардон бўлиб юрган мужиклар тўғрисида фикр юритилади. Маҳкама эшиклари мансаб ва мартабалари улуғларга, помещчик ва амалдорларга ҳамавақт ланг очиқ. Аммо узоқ вилоятлардан шафқат ва адолат истаб келган «кийимлари жулдир», «юз қўллари қора», «оёқлари қон», «эгнилари юпун» меҳнаткашларга келганда эса доимо берк! Бунгайларни ҳўжайин кўриши блаток дарҳол дарбозобонга улаони эшикдан киргазмасликни буюради. Кайф-сафоли ҳаёт уларнинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйган. Некрасов ачиқ заҳарханда блан уларга хитоб қилади:

Сенга нима бу хил даҳмаза,
Юрт қайғуси: адл ё эҳсон?
Бунингсиз ҳам шон блан яшаб,
Шуҳрат блан ўлмоғинг аён.

Некрасовнинг бу ше'рида халқни озодлик ва тинчлик учун курашга чақируви жанговар мисра'лар жаранглайди. Шоир Волга дар'ёсига мурожаат қиларкан:

Кучли бўлиб, бўлиб шиддаткор,
Қачон уйғонасан, жонгинам,—

деб чор самодержавиесининг исканжаси остида инграб ётган эзилган халқини кўзда тутади. Шоирнинг бу мисра'лари рус озодлик курашининг бутун бир даврида революцион чақириқ бўлиб жаранглади.

Некрасов қаерга бормасин, қайсибир деҳқоннинг ҳазин янграган куйига қулоқ солмасин—уларнинг қўшиқларида «фарсолмасин—уларнинг қўшиқларида «фарсолмасин—уларнинг қўшиқларида «фарсол

Йиғим-терим даврида меҳнатни тўғри уюштириб, ҳар куни кўп ва юқори сифатли пахта топширишга эришайлик!

ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАРГА ТЕНГЛАШИНГИЗ

Х. ҚУРБОНОВА,
Ўртасарой районидаги Свердлов номли колхозниг а'зоси. Ўрток Курбонова ўз нормасини ҳар куни 2,5 ҳиссага етказиб бажараётир.

У. КИНИБОЕВА,
Ўртачирчиқ районидаги Ленин номли колхозниг илғор теримчиси. У, ҳозиргача 5 тоннадан ортиқ пахта терди.

П. ДАВРОНОВА,
Оққўрғон районидаги «Сталинчи» колхозининг а'зоси. У, кунига 250 килограммдан пахта термоқда.
И. Шевелев фотоси.

Илғор звено ва бригада йиллик планни бажарди

Гулистон районидаги Молотов номли колхозниг ўртоқ О. Орипов бошлиқ бригадасида бу йил мўл пахта ҳосили етиштирилди. Бригада а'золари ҳосилни сра нобуд қилмай, ўз вақтида йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш учун астойдил курашмоқдалар. Бригада а'золари социалистик мусобақа асосида ишлаб самарали натижаларга эришмоқдалар.

Шу бригаданинг комсомол а'зоси ўртоқ Зайтуна Шокирова бошлиқ звеноси мусобақада ғолиб чиқиб, йиллик пахта тайёрлаш планини 110 процент бажарди. Звено а'золари 15 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олдилар. Улар бу муваффақиятларга меҳнатни тўғри уюштириш, пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш орқали эришдилар.

— Биз,—дейди звено бошлиғи ўртоқ Шокирова, — қўлга киритилган бу ютуқлар блан қаноатланиб қолаолмаймиз, ҳали далаларимизда пахта мўл. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги кунигача она-Ватанимизга планга қўшимча равишда 20 центнердан пахта топшириш учун курашамиз.

Шунингдек, райондаги «Красний Восток» колхозининг коммунист Тожибой Маҳмудов бошлиқ бригада а'золари ҳам бу йил ўзлаштирилган 40 гектар майдондан мўл пахта ҳосили олдилар. Улар 3 октябрь куни йиллик планни 100 процент қилиб бажаришга муваффақ бўлдилар. Бригада а'золари шу кунларда ўзаро социалистик мусобақани кенг авж олдириб, улуғ байрам кунигача гектаридан яна 12 центнердан ҳосил олиш ва давлатга топшириш учун курашаётирлар.

Бу звено ва бригадаларнинг иш тажрибалари райондаги барча пахтакорлар ўртасида оммалаштирилмоқда.

А. МАҲМУДОВ,
Г. СОЛИҲОВА.

МУНОСИБ ҲИССА

Техникум ва олий ўқув юртларининг студентлари, пионер ва ўқучилар пахта йиғим-терими қизғин тус олган шу кунларда пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улар ёз бўйи ҳалол меҳнат қилиб етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга ўзларининг муносиб хиссаларини қўшмоқдалар.

Пионер ва ўқучиларнинг бу ватанпарварликташаббусларини ифодалаб мухбиримиз **Д. Содиқов** бундай деб ёзади: Октябрь районидаги Молотов номли, Жданов номли, Охунбобоев номли, Андреев номли мактаб пионер ва ўқучилари ўзларига яқин бўлган колхоз далаларига чиқиб, пахта теримида ота-оналарига ёрдам бермоқдалар. Улар дам олиш кунлари 10—12 тоннадан пахта териб топширмоқдалар. Айниқса, Молотов номли мактаб ўқучиларининг иши мақташга сазовордир. Бу ёш ватанпарварларнинг ҳарбири 60—70 килограммгача пахта термоқда. Ўқучилардан Мастура Маҳнамбоева, Нурия Бекмуҳамедова, Ғани Эгамбердиев каби ўнлаб ўқучилар белгиланган 35 килограмм ўрнига 80 — 90 килограммдан пахта тераётирлар.

Бу мактаб ўқучилари мавсум бошидан бери **Андреев** номли ва **Охунбобоев** номли колхозларнинг 90 тонна пахтасини териб бердилар.

Газетхонларимиздан **Я. Исматов** Бўка районидаги Навоий номли еттийиллик мактаб ўқучиларининг намунали ишлари ҳақида хабар қилади. Пионер ва ўқучилар, — дейилади хабарда, — теримга тушган биринчи кунлариданоқ яхши ишлаб ота-оналар ташаккурига сазовор бўлдилар.

Ёшлар терим сур'атини ошириб бориб, 2,5 тонна пахта топширишга эришдилар. Улар терган пахта ҳозиргача 20 тоннага етди.

Ўртасарой районидаги Крупская номли, Каганович номли ўрта мактаб ўқучилари, — деб хабар қилади **Г. Аҳмедов** ва **Р. Отақулов** ўртоқлар — пахта йиғим-теримида ота-оналарга яқиндан ёрдам бериш блан бирга, агитаторлик вазифасини ҳам бажараётирлар. Бу мактабларнинг Баязетова, Оллохонов, Ф. Исломбекова, Л. Умарова, З. Назиров каби актив комсомоллари ҳам олиш кунлари 60 килограммдан пахта териб бериш блан бирга «Жанговар варақа»лар чиқариш, пахтакорларга газеталар ўқиб бериш, дала шийпоналарини жиҳозлаш ишларида ҳам актив иштирок этмоқдалар.

Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг студентлари ҳам ўз хоҳишлари блан пахтакорларга ёрдам бермоқдалар. Улар Октябрь районидаги Маленков номли колхоз а'золарига кўмаклашиб, бирнеча тонна пахта териб бердилар.

Жўраев, Мирхолдоров, Йулдошев, Мирарслонов каби студентлар, — деб ёзади ўртоқ Ш. Қўзиев, — колхозга 70 — 80 килограммдан пахта териб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Шунингдек, Чиноз районидаги Оржоникидзе номли еттийиллик мактаб ўқучиларидан **Я. Абдуқодиров, Н. Саидов,** ва **Хасановлар** пахта йиғим-теримида ота-оналарига кўмаклашаётган ўз тенгдошлари ҳақида ёзганлар: Мактабимиз ўқучилари,—деб хабар қиладилар улар,—терим га эўр уюшқоқлик блан киришдилар. Йўлдош Парменов, Рисолат Турғунбоева, Карим Обилов, Қурбон Тўғалбоева каби комсомолларимиз ҳар куни 45—50 килограммга етказиб пахта термоқдалар.

Сирдар'ё районидаги Некрасов номли 12-нчи ўрта мактабнинг 5, 6, 8, 9 синф ўқучилари, — деб ёзади ўртоқ **Ш. Турдиев,** — мактабга яқин жойдаги «XIX партс'езд» ва Ильич номли колхоз а'золарига ёрдам бермоқдалар.

Шунингдек бекободли **А. Эшонов,** Ўртачирчиқ районидан **Қ. Абдурахмонов,** Ховос районидаги, **З. Носиров,** Оржоникидзе районидан **Ю. Бўғубаев** ўртоқлар ҳам ўз районларидаги мактаб ўқучиларининг пахта йиғим-терининг энг мас'улиятли кунларида пахтакор ота-оналарига астойдил ёрдам бераётганликлари ҳақида хабар қилганлар.

☆ ☆ ☆

Киров номли колхоз нима учун бир ме'ёрда пахта топширмаётир?

Оржоникидзе районидаги Киров номли колхозниг а'золари 468 гектар майдоннинг ҳар гектаридан шартномадаги 37,6 ўрнига 40 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олганлар. Колхозчилар механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаб, мажбуриятни та'минлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирганлар. Пахтакорлар олдида турган ҳозирги энг муҳим вазифа, даладаги ҳосилни сра нобуд қилмай қисқа вақт ичида йиғиб-териб олишдан иборатдир. Бутун куч, моддий техника воситалари йиғим-терим ишларига сафарбар этилиши зарур.

Аммо колхозда пахтани барвақт йиғиб-териб олиш иши яхши ташкил қилинмаганидан сентябрь ойи учун белгиланган топшириқ 19,5 процент бажарилди. Колхоз давлатга 712 ўрнига 300 тонна пахта топширди. Бу, теримнинг дастлабки кунларидаёқ бўшашчиликка йўл қўйилиши натижасида юз берди. Колхоз раҳбарлари «пахта яхши очилсин» деб ғанимат кунларни қўлдан бой бермай, очилган пахтани пешма-пеш давлатга топширганида ўтган йилги сур'атдан орқада қолинмаган бўлар эди.

Октябрь — пахта йиғим-теримида ҳал қилучи ой. Кўсаклар етилиб, оппоқ бўлиб очилган пахталар тобора кўпаймоқда. Колхоз правленнеси шуни э'тиборга олиб янги график тузган. Графикка кўра колхоз ҳар куни давлатга йиллик планнинг 2,5 процени миқдорида пахта етказиб бериши керак. Теримнинг дастлабки кунларида хатога йўл қўйилганлиги сабабли, иш ҳажми анча ортди. Қолоқликдан чиқиш учун қўшимча кучларни сафарбар қилиш талаб қилинар эди. Аммо колхоз правленнеси буни унутди. Октябрь ойида ҳам терим сур'атини кучайтириш тадбирларини кўрмади. Оқибатда колхоз октябрьнинг биринчи 10 кунлиги юзасидан берилган топшириқни ҳам адо этаолмади. 10 октябрьгача 57 ўрнига 39 процент пахта топширилиб, графикдан 18 процент орқада қолиб кетилди.

Колхоз нима учун давлатга бир ме'ёрда пахта топширмаётир? Чунки, колхоз правленнеси пахта йиғим-терими ишларига ҳартомонлама пухта раҳбарлик қилмай, штурмчилик блан иш кўраётир. Шу сабабли бир кун кўпроқ, иккинчи кун эса камроқ пахта топширилади.

Район партия комитети, район ижроия комитетининг раҳбарлари колхоз раиси блан телефонда ёки район марказига чақириб юзма-юз гаплашгудай бўлсалар, ўша куни бригадаларга махсус кишилар жўнатилади «ҳа бўл, гап эшитамиз, бугун кўпроқ пахта топшириб ва'даниг устидан чиқайлик» деб шошилиб қоладилар. Дарҳақиқат ишга астойдил киришилган куни кўп пахта терилади ва кўпроқ пахта топширилади, процент бироз кўтарилади. Колхоз раиси Н. Ғиёсов, бошланғич партия ташкилотининг секретари М. Бойназаров ўртоқлар процентни кўриб мамнун бўладилар, ўзларини енгил ҳис қиладилар. Бу ютуқ уларни ҳовликтириб юборади, эртаси куни ишни бўшаштириб, умуман «раҳбарлик» қиладилар.

Масалан, колхоз 1 октябрь куни давлатга йиллик планнинг 1,66 процени миқдорида пахта топширган бўлса, 2 октябрьда 0,9 процент, эртасига бундан ортиқроқ, учинчи куни кам топширилди. 7 октябрьда 2,06 процент пахта топширилиб графикка яқинлашилган эди. Ўша куни ҳаммаёққа «жар» солинди. Колхоз раҳбарлари «ура!» дейишларига ёал қолди. Иш яна бўшашиб кетганлиги 8 октябрь куни ма'лум бўлди. Бошқа кунларда ҳам ана шу хилда пахта топширилиб, белгиланган график бажарилмаётир. Колхоз 9 октябрьда давлатга 41,5 тонна, я'ни 2,6 процент пахта топшириб, биринчи марта графикни ошириб бажарди. Колхозда пахта йиғим-терими намунали ташкил қилинса, графикда кўрсатилганидан ортдириб пахта топшириш мумкинлиги ма'лум бўлди. Аммо, колхознинг ҳамма бригадаларида пахта териш ва давлатга топшириш бир хилда эмас. Пўлатов, Ғозихонов, Раҳимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларга кўпроқ э'тибор берилиб, бу ерларга колхоз правленнесининг а'золари тез-тез келиб тургани учун, бу бригадалар ҳар куни давлатга 2,75—3 процентдан ошириб пахта топшираётирлар. Колхоз раҳбарларининг қадами онда-сонда етадиган Ғани Ортиқов, Эргаш Турсунов ўртоқлар бошлиқ бригадалар жуда оз пахта топшириб, орқада судралиб қолмоқдалар. Ваҳоланки, қолоқ бригадаларга э'тиборни кучайтириб терим яхши ташкил қилинса бу бригадаларда ҳам кўпроқ пахта топшириш мумкин бўлар эди.

Колхозда пахтанинг ҳам топширилаётгани, пахтанинг яхши очилмаганида эмас. Гап графикда белгиланган миқдордаги колхозчилар пахта теримига тўла қатнашмаётганида, энг муҳими меҳнат яхши ташкил қилинмаганида. Колхозда октябрьнинг 9 кунида 112 ишчи куни прогул қилингани бунинг далили эмасми?! Бунинг устига колхозда меҳнат интизоми бўшашиб кетган, теримчиларнинг бир қисми ишга кеч чиқадилар. Танаффус узоққа чўзилади, анчагина теримчи нормасини бажармай кетиб қолади. Пахта теримида олдинда бораётган Ғозихонов бошлиқ 7-нчи бригаданинг ўртоқ Вали Сиддиқов бошлиқ звеносидаги 35 теримчидан фақат 4 киши, ўртоқ Ўринбой Каримов бошлиқ звеносининг 46 теримчисидан 13 киши нормани бажаради, колос. Бундай аҳвол бошқа бригадаларда ҳам давом этмоқда. Шунинг учун колхозда мавсум бошланганидан бери бирор кун ҳам белгиланган терим нормаси бажарилгани йўқ.

Колхоз раиси Ғиёсов, бошланғич партия ташкилотининг секретари Бойназаров ўртоқлар пахта йиғим-теримида йўл қўйилаётган жиддий камчиликларни тугатиб, пахта терими сур'атини оширадиган чораларни кўриш ўрнига, «ҳосил яхши, пахта очилмади, очилганига уч кун бўлди, холос, мана энди боплаймиз» деб пахта теримига юзаки, бирёқлама раҳбарлик қилаётганликларини яширишга уринмоқдалар.

Колхозда пахта териш ва топшириш графиги бажарилмаётгани устига, пахтани сортларга ажратиб териш ҳам яхши ташкил этилмаган. Отбор сорт пахта саноат сортларга аралаштириб терилаётир. Колхознинг шу вақтгача бор-йўғи 57 тонна отбор сорт пахта топширгани бунга яққол мисол бўлаолади.

Колхозда сушилка хўжалиги ҳалигача тартибга солинмаган. Янги сушилка қурилиб битгани йўқ. Ўтган йили қурилган газ сушилка ремонт қилинмаган. Колхоз правленнесининг бир ме'ёрда пахта топширишга э'тиборсизлик блан қараётганини шундан ҳам билиб олса бўлади.

Раиснинг икки куни...

Оржоникидзе районининг пахта йиғим-теримида орқада қолаётган ва давлатга бир ме'ёрда пахта топширмаётган колхозларидаги камчиликларни тезда бартараф қилинса, район графикдан ошириб пахта топшириши мумкин. Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари ана шунга эришмоқлари зарур.

Ш. КУЗАНБОЕВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Машина блан пахта теришнинг муваффақиятлари

Оққўрғон районидаги Сталин номли 17-нчи совхозда бу йил 2920 гектар ерда мўл пахта ҳосили етиштирилди. Бу мўл ҳосилни машина блан териш учун барча тадбирлар кўрилди, 85 пахта териш машинаси ремонтдан чиқарилиб, ишга туширилди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қароридан руҳланган совхоз механик-ҳайдовчилари ўзаро социалистик мусобақани кенг қизитиб юбордилар. Механик-ҳайдовчилардан Бегмат Нурматов, Акром Турсунов ва Жамолиддинов ўртоқлар мавсумда 120 тонадан пахта териб бериш мажбуриятини олдилар. Улар ҳозир кундалик графикни ортиғи блан бажараётирлар.

Нишон Тоиров бошлиқ бригада а'золари гектаридан 55 центнердан пахта териб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Механик-ҳайдовчилардан ўртоқ Нурматов ўз агрегати блан кунига 3 — 4 тоннадан отбор ва биринчи сорт пахта термоқда.

Механик-ҳайдовчиларнинг унумли меҳнати совхозда пахта тайёрлаш сур'атини кескин оширишда катта ёрдам бераётир.

А. МА'ДИЕВ.

Мамлакатни индустриялаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсатини тинмай амалга ошириш натижасида мамлакатимизда социализмнинг мустаҳкам пойдевори қурилди, кишини киши томонидан эксплуатация қилиш тугатилди, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш ва маданий савиясини ошириш учун шароит ҳозирланди. Ленин башорат қилиб айтганидек, НЭП Россияси социалистик Россияга, индустриялашган ва колхозлашган мустаҳкам давлатга айланди.

Социализмнинг шаҳар ва қишлоқдаги капиталистик элементларга кенг ҳужумини муваффақиятли амалга ошириш вазифаси Коммунистик партиядан жанговарлик қобилиятини ҳартомонлама оширишни, учинчи саноатни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги, совет жамиятининг иқтисодий, сиёсий ва маданий турмушининг барча соҳаларидаги раҳбарлик ролини кучайтиришни талаб қилди.

Вазифа партияга кириб олган оппортунистларнинг жиноятқорона ҳаракатларини батамом фош қилиш ва зарарсизлантириш, партия сафларининг ленинча бирлигини янада мустаҳкамлашдан, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ишларини яхшилашдан, социалистик қурилишнинг барча участкаларида меҳнатқаш оммани ижодий активлигига бошчилик қилишдан иборат эди.

Социализмнинг ғалабаси учун курашда мамлакатни индустриялаштириш сур'атларини пасайтиришга интилган ва қишлоқда қулоқларнинг манфаатини жонжаҳди блан ҳимоя қилиб чиққан ўнг таслимчиларнинг душманчиликдан иборат қарашларининг тор-мор келтирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Партия бухарин-риков оппозициясининг қулоқлар манфаатини кўзловчи оппозиция эканлигини томомила фош қилиб ташлади ва ўз сафларининг бирлигини янада мустаҳкамлади. Ўнг оппортунистлар назарларини пропаганда қилучиларнинг партияда туриши мумкин эмас деб топилди, ўнг оғмачиларнинг бошлиқлари эса яккалаб қўйилди ва партия сафидан чиқарилиб юборилди. Шу блан бирга партия оппортунизмнинг «сўл» чиқишларининг троцкийча моҳиятини фош қилиб ташлаб, икки фронтда қаттиқ кураш олиб борди. Ўнг ва «сўл» оппортунистларни тор-мор қилмай туриб қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсатини тинмай амалга ошириш натижасида мамлакатимизда социализмнинг мустаҳкам пойдевори қурилди, кишини киши томонидан эксплуатация қилиш тугатилди, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш ва маданий савиясини ошириш учун шароит ҳозирланди. Ленин башорат қилиб айтганидек, НЭП Россияси социалистик Россияга, индустриялашган ва колхозлашган мустаҳкам давлатга айланди.

Социализмнинг шаҳар ва қишлоқдаги капиталистик элементларга кенг ҳужумини муваффақиятли амалга ошириш вазифаси Коммунистик партиядан жанговарлик қобилиятини ҳартомонлама оширишни, учинчи саноатни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги, совет жамиятининг иқтисодий, сиёсий ва маданий турмушининг барча соҳаларидаги раҳбарлик ролини кучайтиришни талаб қилди.

Вазифа партияга кириб олган оппортунистларнинг жиноятқорона ҳаракатларини батамом фош қилиш ва зарарсизлантириш, партия сафларининг ленинча бирлигини янада мустаҳкамлашдан, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ишларини яхшилашдан, социалистик қурилишнинг барча участкаларида меҳнатқаш оммани ижодий активлигига бошчилик қилишдан иборат эди.

Социализмнинг ғалабаси учун курашда мамлакатни индустриялаштириш сур'атларини пасайтиришга интилган ва қишлоқда қулоқларнинг манфаатини жонжаҳди блан ҳимоя қилиб чиққан ўнг таслимчиларнинг душманчиликдан иборат қарашларининг тор-мор келтирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Партия бухарин-риков оппозициясининг қулоқлар манфаатини кўзловчи оппозиция эканлигини томомила фош қилиб ташлади ва ўз сафларининг бирлигини янада мустаҳкамлади. Ўнг оппортунистлар назарларини пропаганда қилучиларнинг партияда туриши мумкин эмас деб топилди, ўнг оғмачиларнинг бошлиқлари эса яккалаб қўйилди ва партия сафидан чиқарилиб юборилди. Шу блан бирга партия оппортунизмнинг «сўл» чиқишларининг троцкийча моҳиятини фош қилиб ташлаб, икки фронтда қаттиқ кураш олиб борди. Ўнг ва «сўл» оппортунистларни тор-мор қилмай туриб

ЧОРВА ҚИШЛОВИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

Ем-хашак тайёрлашда кўзбўямачиликка йўл қўйилмасин

Ховос район колхозларида чорва моллари учун мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш учун барча имкониятлар мавжуд. Райондаги МТСлар етарли даражада хашак ўрадиган машиналарга, шунингдек, мутахассис кадрларга эга.

Шу имкониятлардан тўла фойдаланган бир қатор колхозлар чорва моллари учун етарли ем-хашакни жамлариб олдилар. Охунбобоев қишлоқ советидаги Ворошилов номли (раиси Умматқул Латипов, партия ташкилотининг секретари Раймберди Худойбердиев ўртоқлар), Хўжамушкент қишлоқ советидаги Маленков номли (раиси Назарқул Манғатов, партия ташкилотининг секретари Абдалимон ўртоқлар) колхозлар чорва моллари учун ем-хашак тайёрлаш планини районда биринчи бўлиб ошириб бажардилар.

Лекин, кўпчилик колхозларда бу муҳим масалага етарли аҳамият берилмаётир. Айрим колхозларда ем-хашак тайёрлашда очиқдан-очиқ кўзбўямачиликка йўл қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам районда ем-хашак тайёрлаш иши жуда оқсамоқда.

Ўтган йили Киров номли колхозда етарли ем-хашак тайёрланмаганлиги сабабли бирқанча қийинчиликлар рўй берган эди. Бу хатолардан тегишли хулоса чиқармаётган колхоз раҳбарлари (раиси Қўлдош Маҳкамов) бу йил ҳам ем-хашак тайёрлаш ишига ўтакетган совуққонлик блан қараб келмоқдалар. Колхоз район ташкилотларига «чорва моллари қишлови учун 1320 тонна ем-хашак тайёрланди» деб сводка берган эди. Текшириш ўтказилганда, сводканинг нотўғри эканлиги, 1320 эмас, фақат 1005 тонна хашак тайёрланганлиги, йиллик план эндигина 60 процент бажарилганлиги аниқланди.

Шунингдек, райондаги Охунбобоев номли колхозда ҳам (раиси Суюн Маркаев, партия ташкилотининг секретари Қ. Маҳкамов ўртоқлар) берилган сводкага нисбатан 110 тонна кам хашак тайёрланган, я'ни шу вақтга қадар йиллик планнинг фақат 68 процентн миқдорида хашак жамғарилган.

Қалбаки сводкалар блан ҳотиржамликка берилиб, кўзбўямачилик йўлига ўтиб олган С. Маркаев ва Қ. Маҳкамов ўртоқлар сирлари очилиб қолгандан сўнг МТСда бўлиб ўтган йиғилишда: «Бу бизнинг хатомиз, камчиликларни тугатамиз» дейиш блан ўзларини оқлашга уриндилар. Ҳар иккала колхоз раҳбарлари ҳам бу йиғилишда молхона ва қўраларнинг ҳали 40 процентн ремонт қилинмаганлигини айтмадилар.

1-нчи МТС бош зоотехниги Яхин бўлса, чорва моллари қишлови учун мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтиришда колхозларга амалий ёрдам бериш ўрнига, ҳар ой охирида сводка тўплаш блан овора бўлиб юрипти.

Районнинг 2-нчи МТС зонасидаги аҳвол бундан ҳам ёмон. Бу МТС зонасидаги биронта колхоз ҳам ем-хашак тайёрлаш планини шу вақтгача бажаргани йўқ. Сталин номли колхозда эндигина 44,7 процент, Ленин номли, Молотов номли колхозларда эса фақат 66 процент миқдорида ем-хашак тайёрланган. МТС зонаси бўйича олганда эса, ем-хашак тайёрлаш давлат плани 59,3 процентнигина ташкил этади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳозирча тайёр, деб ҳисобланган хашаклар мол қишлайдиган жойлардан 30 — 40 километр узоқликда сақланмоқда. Уларни ташиб келтириш учун МТС ва колхоз раҳбарлари ҳеч қандай амалий чора кўрмаётирлар.

2-нчи МТСнинг директори ўртоқ Киселев бу муҳим масалага иккиничи даражали иш деб қараб келмоқда. У, шу вақтга қадар МТС зонаси бўйича аҳалли биронта колхоздаги чорвачиликнинг аҳволи блан чуқурроқ танишгани йўқ. Киселевнинг айтишича, у, «иш кўплигидан вақт топаолмаётган» эмиш!

Агар, чорва моллари планларининг колхозлар бўйича бажарилиши ҳақида ўртоқ Киселев блан суҳбатлашиб қолсангиз, у дарҳол ўзининг шу иш бўйича ўринбосари ҳисобланган бош зоотехник ўртоқ Жадовни чақиртиради. Жадов бўлса ҳафталаб МТС ва колхозларга бормаганлиги учун, колхозлардаги ҳақиқий аҳволни айтиб бераолмайди.

Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим шарти бўлган мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш масаласига район ва колхоз раҳбарлари, шунингдек МТС раҳбарлари катта э'тибор беришлари керак.

Р. ХУЖАНОВ.

Чорвадорлар муваффақияти

Чиноз районидаги Ленин номли колхозда чорвачилик йил сайин ривожлантирилмоқда. Колхозчилар жамоат чорвачилигини ўстириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун қурашиб, катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Колхозда 1954 йил чорвачилик давлат плани йилқичилик бўйича 111 процент, қорамоллар бўйича 100 процент, қўйэчки бўйича 123 процент, паррандачилик бўйича 138 процент бажарилди. Давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан белгиланган план ҳам ошириб адо этилди.

Илғор чорвадорлардан Ж. Истибоев, Қ. Жўлтаев, Қ. Истибоев сингари ўртоқлар фидокорона меҳнат қилиб, чорва моллари туёғи 6 мингта етказилда. Ҳарбир қўй ва эчкидан олинадиган жун миқдорини яна 150 граммга кўпайтирамиз.

Колхозда сигирларни электр воситаси блан соғиш, автоматик равишда суғоришни ташкил қилиш мўлжалланмоқда.

Ленин номли колхознинг чорвадорлари чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини янада ошириш учун барча куч ва воситаларини сафарбар этмоқдалар.

Ж. ҲАСАНБОЕВ,
М. УСТАБОБОЕВ.

Бутун Осиё биргаликда чиқарилган Совет-Хитой декларацияларини табрикламоқда

СОВЕТ—ХИТОЙ МУЗОКАРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИНДИСТОН МАТБУОТИДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

ДЕҲЛИ, 14 октябрь. (ТАСС). Ҳиндистон матбуоти Пекинда ўтказилган Совет — Хитой музокаралари тўғрисидаги ахборот ҳақида кўп фикрлар баён қилмоқда. Деҳлида ва вилоятларда чиқадиган йирик газеталарнинг кўпчилиги Совет—Хитой музокараларига бағишлаб бошмақолалар ва шарҳлар босиб чиқарди.

Газеталар музокараларнинг дўстона вазиятда ўтганлигини айниқса уқтириб ўтмоқдалар ва бу музокаралар натижасида Совет—Хитой муносабатлари янада мустаҳкамланади, деб ҳисоблямоқдалар. Масалан, «Нейшнл геральд» газетаси 13 октябрьдаги бошмақоласида бундай деб ёзади: «Совет — Хитой декларацияси Осиё халқларига яхши та'сир кўрсатмай қолаолмайди, чунки бу декларацияда баён қилинган сиёсат Американинг бошқа халқларнинг ишларига аралашувига тамомила қарама-қаршидир.

Декларация даставвал Осиёдаги барча халқларга ва шу жумладан япон халқига қарата чиқарилган. Япон халқи Америка оккупацияси зулми остида азоб чекмоқда ва озод бўлишга ҳамда барча қўшнилари блан ҳамкорлик қилишга интилмоқда».

«Трибюн» газетаси Совет — Хитой ахбороти тўғрисида бундай деб ёзади: «Хитой ва Совет Иттифоқи Осиё мамлакатлари блан ўз муносабатларини территориал бутунликни ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, ўзаро муносабатларда тенглик, тотув яшаш принципларига қаттиқ риоя қилиш асосида давом этдиражакларини билдирдилар. Бу декларацияни бутун Осиёда қизғин табриклайдилар».

Газеталар Совет — Хитой ахборотидаги Осиёдаги халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган таклифларга ҳам кўп э'тибор бермоқдалар.

«Индиан экспресс» газетаси бундай деб ёзади: «Корея масаласи юзасидан халқаро конференция ўтказишга чақириб қилинган да'ват каби четэл қўшинларини Японнядан олиб чиқиб кетиш ва Японнянинг Осиёдаги барча мамлакатлар блан савдо муносабатларини тиклаши учун қулай шароитлар вужудга келтириш зарурлиги ҳам ғоят ўринлидир. Ана шу икки тадбир мазкур районда тинчликни мустаҳкамлайди, деган фикрга ҳеч ким қарши чиқаолмайди». Газета Тайвань тўғрисидаги масалага тўхталиб, бундай деб ёзади: «Факт шундан иборатки, Фармоза Хитойникидир».

«Трибюн» газетаси ҳам, бутун дун'ёда тинчлик манфаатларини кўзда тутиб Корея масаласини ниҳоят ҳал этиш керак эканлигини та'кидлайди ва бу масалани Хитой Халқ Республикасининг БМТ даги қонуний ҳуқуқларини тиклаш ва Тайваньни унинг қонуний эгаси бўлган Хитой халқига қайтариб бериш тўғрисидаги масала блан боғлайди.

«Жанва кенгашида ўхшм сурган атмосферани, — деб ёзади «Трибюн» газетаси, — тиклаш мумкин экан, у ҳолда, Корея масаласи юзасидан бир қарорга келиш мумкин эмас, деб ҳисоблашга ҳеч қандай асос йўқ».

Польшанинг халқ хўжалигига берилаётган совет ёрдами тўғрисида «Трибуна люду» газетасининг ёзганлари

ВАРШАВА, 14 октябрь. (ТАСС). Польша матбуот агентлиги қуйидагиларни билдиради: «Трибуна люду» газетаси Польша саноатини қуриш ва реконструкция қилишда Совет Иттифоқи томонидан берилаётган ёрдамга бағишлаб мақола босиб чиқарди.

Мақолада бундай дейилади: Польша урушдан илгари иқтисодий потенциали жиҳатдан Европада тараққий этган мамлакатлар кетидан судралиб борган эди. Эндиликда Польша Европада иқтисодий жиҳатдан асосий ўринларнинг биринн олган мамлакатга айланди ва Франция каби тараққий этган мамлакатга ҳам етиб олмоқда.

Агар Польша саноатининг 1953 йилдаги ишлабчиқариш индексини 1 деб қабул қилсак, Италияда чўян ишлаб чиқариш 0,3 (ҳолбуки 1937 йилда 1,0 эди), Японияда 0,6 (1937 йилда 1,6 эди), Францияда 3,3 (1937 йилда 9,1 эди) бўлди: Италияда пўлат ишлаб чиқариш 0,5 (1937 йилда 1,2 эди) Японияда 0,6 (1937 йилда 2,0 эди), Францияда 1,7 (1937 йилда 4,6 эди) бўлди. Италияда кўмир чиқариш 0,007, Японияда 0,2, Францияда 0,4 бўлди.

Ҳозирги вақтда халқ Польшаси саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг абсолют миқдори жиҳатидан Италиядан ўзиб кетди. Ҳолбуки, урушдан илгари Польша саноатининг маҳсулоти Италия саноати маҳсулотининг атиги 40 процентини ташкил этар эди.

Мақолада уқдириб ўтилишича, Польша блан Совет Иттифоқи ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ўрнатилганлиги ва ўзаро ёрдам берилаётганлиги сабабли Халқ Польшасининг саноати шу қадар тез тараққий этди.

«Совет машиналари ва ускуналари, шунингдек техникага доир совет ҳужжатлари, — деб ёзади газета, — техникага доир илғор фикрнинг энг янги муваффақиятидир».

Газета яна бундай деб ёзади: «Қўйидаги мисол халқаро миқ'ёсдаги иқтисодий муносабатларнинг икки хили, я'ни капиталистик ва социалистик иқтисодий муносабатлар ўртасидаги тафовутни яқол кўрсатиб беради: Латин Америкаси мамлакатлари неча ўн йиллар мобайнида Америка «ғамхўрлиги» ва «ёрдами»нинг асосий об'ектларидан бири бўлиб келмоқда. Салкам 150 миллион аҳолиси бўлган Латин Америкаси мамлакатлари 1953 йилда жам'и икки миллион тоннадан камроқ пўлат чиқардилар, я'ни совет ёрдами туфайли Краковнинг яқинидаги Новая Гутада қурилаётган В. И. Ленин номли металлургия комбинати қанча пўлат берадиган бўлса шунча пўлат ишлаб чиқардилар.

В. И. Ленин номли комбинат олти йиллик планимизнинг энг йирик об'екти бўлиб, Совет Иттифоқининг жуда кенг миқ'ёсда иқтисодий ёрдам бераётганлигини кўрсатади. Совет Иттифоқи ана шу йирик металлургия комбинатининг ускуна ва машиналаридан 85 процентини жуда қисқа вақт ичида етказиб бермоқда».

Совет Иттифоқининг Корея Халқ-Демократик Республикасига ёрдами

ПХЕНЬЯН, 15 октябрь. (ТАСС). Корея Марказий телеграф агентлиги хабар беради: ёрдам тариқасида Совет Иттифоқидан Корея Халқ Демократик Республикасига хилма-хил юклар узлуксиз келиб турипти. Сентябрь ойида корейс халқи кўп миқдорда юк автомобильлари, пармалаш асбоблари, перфораторлар, шиферлар, сортли пўлат, электровозлар, электромоторлар, трансформаторлар, кема двигательлари, бульдозерлар, турли станоклар ва механизмлар олди. Совет Иттифоқидан техникада ишлатиладиган хилма-хил мойлар, мих, картон ва ўғитлар ҳам келтирилди. Ана шу машина ва материаллар КХДР халқ хўжалигини тиклашга ва ривожлантиришга катта ёрдам беради.

БМТ Бош Ассамблеясининг IX сессияси

НЬЮ-ЙОРК, 14 октябрь. (ТАСС). 13 октябрьда Сиёсий комитетнинг мажлисида қуролсизланиш ҳақидаги масала юзасидан дискуссия давом этди.

Канада вакили Мартин ҳозирги шароитда қуролсизланиш ҳақидаги масала юзасидан битимга келиш имконияти ҳозирги вақтгача бўлганидан кўра анча каттадир деган фикрни айтди. Канада вакили СССРнинг қурол-яроғларни камайтириш ва атом, водород қуролини ҳамда ялпи-қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш масаласи юзасидан халқаро конвенция (шартнома) тузиш тўғрисидаги резолюция проектига тўхталиб, совет таклифларининг контроль орган ҳақида гапирилган қисмига қўшилаолмаганлигини айтди. У, муваққат контроль органнинг битим бузилганлиги ҳақида Ҳавфсизлик Кенгашига хабар бериб туриш ҳақидаги ваколатлари гўё «етарли эмас» деб да'во қилди. Канада делегати бу органнинг ҳарбир ерда ва ҳарқачон тегишли текширишлар ўтказиш ваколатига эга бўлмаганлигидан нолиб гапирди. Канада вакили СССР вакили А. Я. Вишинскийнинг, муҳокама қилинаётган масала юзасидан битимга келиш йўлида енгиб бўлаолмаслик ихтилофлар йўқ деган фикрига қўшилганлигини айтди.

Мартин бу масалани Биринчи сиёсий комитетда кенг ва чекланмаган равишда муҳокама қилиш кераклигини ёқлаб чиқди. Дискуссия тамом бўлганидан кейингина, деди у, қуролсизланиш комиссияси ўз кичик комитетининг Совет Иттифоқи, Франция, Англия, АҚШ ва бошқа давлатлар тақдим этган таклифларни мувофиқлаштириш соҳасидаги ишини давом этдириш учун бу кичик комитетни чақириши керак Канада вакили мазкур кичик комитетни чақириш ҳақида резолюция проекти тақдим этди.

Сўнгра, сўзга чиққан Австралия вакили Спендер қуролсизланиш проблемаси блан боғлиқ бўлган таклифларнинг моҳиятига тўхталмади.

Австралия вакилининг фикрича, агар Комитет доирасида қуролсизланиш проблемасининг турли аспектлари ва масалалари юзасидан томонларнинг позициялари қанчалик бир-бирига тўғри келаётганлигини ёки бир-биридан қанчалик ажраладиганлигини ўрганадиган ва бу ҳақда Комитетга ахборот берадиган кичик комитет тузса, Сиёсий комитет илгаригга қараб анча катта қадам қўйган бўлур эди — буюк давлатлар ўртасида келишиш вазифасини осонлаштирган бўлур эди. Австралия вакили ўзининг бу таклифини расмий таклиф сифатида эмас, балки, унинг та'рифича айтганда, «буюк давлатлар ўртасидаги ихтилофларни юмшатишга ёрдам бераоладиган идея» сифатида айтиб ўтди.

НЬЮ-ЙОРК, 14 октябрь. (ТАСС). Махсус сиёсий комитет 13 октябрьда Бирма Иттифоқининг гоминданчилар тўдаси томонидан бўлаётган агрессия ҳақидаги шикоятини муҳокама қилишни давом этдирди.

Бирманинг шикоятини қувватлаб чиққан Индонезия делегати айтдики, Бирма территориясида гоминданчи қўшинларнинг туриши Шарқи-Жанубий Осиёда тинчликка жиддий хавф туғдиради. Индонезия делегацияси, деди у ўз сўзини давом этдириб, чанкайшичи қўшинларнинг агрессив ҳаракатлари сабабли мамлакатда юз берган вазият муносабати блан Бирма ҳукуматининг ташвиши жуда ўринли, деб ҳисоблайди. Индонезия вакили турли чанкайшичи ташкилотларнинг Бирма территориясида ҳаракат қилаётган гоминданчи шайкаларга ҳали ҳам ёрдам бераётганлигига Комитетнинг э'тиборини жалб қилди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотини мавжуд хавфни тугатиш ишида Бирма ҳукуматига ёрдам кўрсатишга чақирди.

Польша вакили Кац-Сухи ўз нутқида Бош Ассамблеянинг гоминданчи қўшинларни Бирма территориясидан олиб чиқиб кетиш ҳақидаги қарори бажарилмаганлигини уқтириб ўтди. Чанкайшичи шайкаларнинг Бирма территориясидаги ҳаракатлари, деди Польша вакили, мамлакатнинг миллий суверенитетига таҳдид қилмоқда. Гоминданчилар тўдаси, деди Кац-Сухи, Қўшма Штатлардан олаётган ёрдамидан фойдаланиб, Бирмадаги ўз шайкаларига мадад бериб туришни давом этдирмоқда. Польша делегати гоминданчилар ўзларининг Бирмадаги босқинчилик ҳаракатлари блан ва Хитой денгизлари районидаги қароқчилик ҳаракатлари блан ер юзининг бу қисмида тинчликка жиддий хавф солаётганликларига комитетнинг э'тиборини жалб қилди.

Мажлисда сўзга чиққан Англия, Франция, Туркия, Канада ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари гоминданчиларнинг Бирма территориясида туриши муносабати блан юз берган хавфни камайтириб кўрсатишга уриндилар. Мажлис охирида Англия делегати 11 мамлакат номидан бирлашган резолюция проекти тақдим этди. Резолюция проектида гоминданчи шайкаларни «қуролсизлантиришга ва назорат остига олишга» чақирилади, Бирма ҳукуматининг бу проблемани ҳал этиш йўлидаги интилишига «хайрихоҳлик ва мадад» ва'да қилинади, Бирмадаги гоминданчи шайкаларга ёрдам кўрсатилишига йўл қўймаслик учун ҳамма мамлакатлар зарур бўлган барча чораларни кўришлари керак деб талаб қилинади

ҲИНДИСТОН БЛАН ХХР ЎРТАСИДА САВДО БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

ПЕКИН, 14 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: бугун Деҳлида Хитой Халқ Республикаси блан Ҳиндистон республикаси ўртасида савдо битими имзоланди. Битимни Хитой Халқ Республикаси ҳукумати номидан ташқи савдо министрининг ўринбосари ва Хитой савдо делегациясининг бошлиғи Кун Юань имзолади; Ҳиндистон ҳукумати номидан битимни Ҳиндистон савдо ва саноат министрлигининг секретари Х. В. Р. Айенгар имзолади.

Савдо битимини имзолаш блан тамомланган музокаралар самимий дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди. Битим Ҳиндистон блан Хитой ҳукуматлари ва халқлари ўртасидаги мавжуд дўстликни мустаҳкамлашни, бу икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқни тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантиришни мақсад қилиб қўяди. Битимда кўзда тутилишича, иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ импорт, экспорт ва валюта устидан контроль қилиб туриш соҳасида бу мамлакатларда мавжуд бўлган қоидаларга мувофиқ равишда олиб борилади, битим икки йил давомида ўз кучини сақлайди. Шу муддатдан кейин битим музокаралар йўли блан янги муддатга чўзилади.

Битимга ҳар иккала мамлакат бир-биридан оладиган ва бир-бирига чиқарадиган товарларнинг рўйхатлари илова қилинган.

Ҳиндистондан Хитойга экспорт қилинадиган товарлар орасида руда, ўсимлик мойи ва овқат учун ишлатиладиган ёғ, химикалия, дори-дармон ва медикаментлар, электр ва бошқа аппаратуралар ҳамда асбоблар, машиналар, станоклар, кора ва рангли металлардан ишланган буюмлар, пахта ва жутдан тайёрланган буюмлар, велосипедлар, мото-транспорт воситалари, покришкалар, центробеж насослар, қишлоқ хўжалик асбоблари, слюда ва бошқа товарлар бор.

Хитойдан Ҳиндистонга экспорт қилинадиган товарлар рўйхатида гурунч, соя лавиялари, станоклар, машиналар, компрессорлар, трансформаторлар, тўқиш станоклари, медицина аппаратураси, сурьма, графит, плавик шпат, ипак ва ипакдан тўқилган моллар, жун, тери ва кўн, химикалия, тўнг мой ва бошқа товарлар бор.

———◇———

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент областида ҳаво бироз булутланиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 20-25 даража иссиқ бўлади. Тошкентда ҳаво бироз ўзгариб турсада, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 23-25 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Тўқучиларнинг маданият ўчоғи

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ахшилаш блан бирга, уларнинг маданий савиясини кўтариш тўғрисида ҳам тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. И. В. Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиларининг Маданият саройида олиб борилаётган ишлар, саройда ишчилар ва уларнинг болаларига маданий дам олиш учун яратиб берилган қулай шароит ҳамда бу ерда мавжуд бўлган имкониятлар блан қисқача бўлса ҳам танишиш бу ғамхўрликдан дарак бериб турада. Тўқучилар Маданият саройи Тошкентдаги касаба союз маданий-оқартув муассасаларининг энг яхшиларидан биридир.

Маданият саройи жуда катта имкониятларга эга. Бу ерда маданий-оммавий ишлар ўтказиш, ҳархил бадиий ҳаваскорлик ва қўл ҳунари тўгараклари ташкил қилиш учун ҳар йили 200 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Саройнинг оммавий тадбирлар ўтказиладиган катта ва кичик заллари бор. Бу заллар жуда чиройли қилиб безатилган бўлиб, бирига 700 га яқин, иккинчисига 200 дан ошиқ киши сигади.

Саройда драматик, хор, русча ва ўзбекча рақс, кашта тикиш, расм ва бошқа шу каби ўнта ҳаваскорлик тўгараги мунтазам ишлаб турипти. Бу тўгараклар ва комбинат ишчилари, уларнинг оила а'золари ва студентлардан иборат 600 киши ҳархил ҳунарларни, музика асбоби чалишни, ашула ва рақслар ижро этишни ўрганмоқдалар. Шунингдек, бу ерда мактаб ўқучилари учун ҳам рақс, фортепиано, авиомодель, моҳир қўллар, ИЗО ва бошқа тўгараклар ташкил қилинган. Бу тўгараклар ва 500 дан ортиқ ўқучи иштирок этмоқда. Катталар ва болалар тўгараги малакали мутахассис раҳбарлар блан та'минланган. Бадиий ҳаваскорлик коллективлари ёшларда бадиий завқ уйғотмоқда, улар орасидан яхшигина талантлар етишиб чиқмоқда.

Саройда мактаб ўқучиларининг дарс тайёрлашлари ва ҳархил ўйинлар блан шуғулланишлари учун қулай шароит яратиб берилган. Болалар учун махсус дарс тайёрлаш хонаси ажратилган. Ўқучилар бу хонада ҳар куни эрталаб соат 12 дан кеч соат 8 гача дарс тайёрлайдилар. Маданият саройининг болалар бўлими ўз оталигидаги умумий мажбурий та'лим мактабларида политехника та'лимини амалга оширишга ёрдам бериш мақсадида бирқанча конкрет тадбирларни белгилади. Планга мувофиқ Фрунзе районидаги 107,97 ва 89-нчи мактабларнинг ўқучилари Каганович номидаги паровоз-вагон ремонт ва нон заводларига экскурсияга бориб, ишлабчиқариш процесси блан танишадилар.

Маданият саройининг ҳархил китобларга бой кутубхонаси комбинат ишчилари ва ўқучиларга намунали хизмат кўрсатмоқда. Кутубхонанинг 80 мингтадан ошиқ китоб фонди ва 4000 дан ошиқ доимий китобхони бор. Кутубхона фақат шу йилнинг ўзида 4 ярим минг томлик янги китоб блан бойитилди. Бу ерда оммавий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Тез-тез китобхонлар конференцияси, классик ва совет ёзувчиларига бағишланган адабий кечалар бўлиб туради. Бунга мактаб ўқучилари ҳам актив иштирок этадилар.

Маданият саройи ўз ишларини ишлабчиқариш блан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб бориб, техник билимларни ва тўқимачилик саноати новаторларининг тажрибаларини оммалаштирмоқда. Бу ерда ишлабчиқариш новаторлари ва рационализаторларнинг илғор иш методлари ва фойдали таклифларини кенг кўламда оммалаштириш, шу йўл блан бутун комбинат ишлабчиқаришида умумий юксалишга эришишга катта аҳамият берилмоқда.

Ҳар ойда «Ишлабчиқариш илғорларига шон-шарафлар бўлсин» деган темада кеча ўтказилиб туради. Бу кечада комбинатдаги фабрикаларарО бўлган социалистик мусобақага якун ясалади, ишлабчиқариш илғорлари мукофотланадилар. Кечанинг кун тартибида махсус новаторлар минбари деган бўлим бор. Бунда ишлабчиқариш новаторлари сўзга чиқиб, ўз тажрибаларини ўртоқлашадилар. Яқинда Маданият саройида ана шундай кечаларнинг навбатдагиси бўлиб ўтди. Кеча комбинатнинг 1-нчи йигирув-тўқув фабрикаси коллективининг ишлабчиқаришда эришган муваффақиятларини оммалаштиришга бағишланди. Бунда ишлабчиқариш илғорлари мукофотлангандан сўнг, бош инженер А. П. Хазанов «1-нчи фабрика коллективи бир ме'ёрда ишлаш учун курашда» деган темада қисқача доклад қилди. Сўнг илғор ишчилардан Е. Жукова, мастер ёрдамчиси В. Куликова, йигирувчи Т. Чепурина ўртоқлар сўзга чиқиб, ўзларининг прогрессив иш методлари ва фабрика коллективининг қандай қилиб умумий юксалишга эришаётганлиги ҳақида гапириб бердилар. 1-нчи йигирув-тўқув фабрикасининг ишчан коллективи меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, хомаш'ёни тежаб-тергаб ишлатиш орқасида комбинат фабрикаларидаро бўлган социалистик мусобақада беш галдан бери биринчи ўринда келмоқда. Шу йил II-квартал ишлабчиқариш якуни учун фабрикага «Юқори меҳнат унумли ва а'ло сифатли маҳсулот ишлабчиқаручи фабрика» номи берилди. Кечада фабрика илғорларинг муваффақиятларини кўрсатучи виставка ва стендлар ташкил қилинди. Ҳархил оммавий ўйин ва танцалар уюштирилди. Кеча охирида мусобақа ғолиблари учун сан'ат усталари ижросида катта концерт қўйиб берилди.

Бундан ташқари саройнинг дам олиш хоналарида комбинатнинг ишлабчиқариш илғорлари, рационализаторларининг иш устида ва алоҳида олинган расмлари стендларга, деворларга осиб қўйилган. Тошкент тўқимачилик комбинатининг энг яхши рационализаторлари стендига 42 кишининг расми қўйилган. Стендлардаги ҳарбир расм тагида ишчиларнинг ишлабчиқаришда эришган муваффақиятлари, рационализаторларнинг қиммати таклифлари қанча фойда келтиргани ва неча тонна хомаш'ёни иқтисод қилишга ёрдам берганлиги ёзиб қўйилган.

Саройнинг ичкарисига кираберишда ҳаммага кўриниб турадиган жойга қизил духоблар блан безатилган катта доска қўйилган. Доскада ишлабчиқариш ютуқлари, комбинатнинг отоқли кишилари, социалистик мусобақа кундалиги каби бўлимлар бор. Бу бўлимларга қўйиладиган материаллар комбинат корхоналарининг эришган ютуқларига қараб ой сайин янгиланиб туради. Маданият саройида амалга оширилаётган бу каби ва бошқа тадбирлар комбинат ишчиларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги ва республикамизнинг шонли юбилейини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олишга сафарбар қилмоқда.

Маданият саройининг ходимлари ёшлар тарбияси масаласи ва лекция пропагандасига алоҳида э'тибор бермоқдалар.

Ёш ишчилар учун сиёсий, иқтисодий ва илмий-атеистик темаларда мунтазам равишда доклад ва лекциялар ўтказилиб туради. Улуғ Ватан уруши йилларида вужудга келган «Ёш гвардия» ташкилотининг 12 йиллигига бағишланиб «Бу Краснодонда, урушнинг даҳшатли кунларида бўлиб ўтган эди» темасида ўтказилган кеча жуда қизиқарли бўлди ва у ёш ишчиларда катта таассурот қолдирди. «Қўшиқ — қуришда ва ҳаётда бизга ёрдам беради», «Коммунизмнинг ёш қурувчилари ҳақида китоб», «Улуғ пролетар ёзувчиси М. Горький», «Совет Ватани ҳақидаги ше'р ва қўшиқлар» каби темаларда ўтказилган кечалар ҳам қизиқарли ўтди. Шунингдек, Маданият саройида илмий-атеистик ва табиий-илмий билимлар пропагандасига ҳам алоҳида э'тибор берилмоқда.

Маданият саройи ходимлари ўз иш фаолиятларида маданий-оқартув ишларининг янги-янги формаларини қидириб топишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу жиҳатдан саройда ҳар ойда бир марта чиқариладиган ғозаки журнал диққатга сазовордир. Ҳарида ғозаки журналнинг навбатдаги 9-нчи сони эшитдирилди. Эшитдиришга комбинат ишчилари актив иштирок этдилар. Журнал 5 саҳифадан иборат бўлиб, «Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига бизнинг совғамиз», «Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси — мўл-кўлчилик мактаби», «Музика саҳифаси», «Алкоголизм — киши организмига катта зарар етказади», «Республикамиз бўйлаб» (кинофильм) каби темаларни ўз ичига олади. Журнални кеча қатнашчилари диққат блан тингладилар. Айниқса «Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси — мўл-кўлчилик мактаби» деган саҳифа тингловчиларда чуқур таассурот қолдирди. Бу ҳақда виставка қатнашчиси Ўзбекистон ССР фанлар академиясининг илмий секретари ўртоқ Демидов ҳикоя қилиб берди.

Комбинат меҳнаткашлари ўртасида олиб борилаётган маданий-оқартув ишларини тинмай такомиллаштириш ва уларнинг янги-янги формаларини излаб топиш, бу ишларни ишлабчиқариш техника кўрсаткичларини яхшилаш вазифалари блан янада маҳкамроқ боғлаш, ишлабчиқаришда комбинат бўйича умумий юксалишга эришиш, тўқучиларнинг маданий дам олишлари тўғрисида доимо қайғириш, Маданият саройи ходимларининг шарафли бурчидир.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

ОМОНАТ КАССАЛАРИГА ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР ҚЎЙИНГИЗ!

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАРНИНГ

1954 йил 7 октябрьда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган

24-нчи ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тошкент шаҳрининг ҳамма омонат кассаларидаги ютуқли омонат счётларининг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Счёт № лари	Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига нисбатан % ҳисоби блан)	Счёт № лари	Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига нисбатан % ҳисоби блан)	Счёт № лари	Ютуқ миқдори (омонатнинг ўртача суммасига нисбатан % ҳисоби блан)
28	50	390	50	737	50
62	50	400	50	776	50
95	50	458	50	831	50
120	50	490	100	854	50
182	50	541	50	915	50
206	100	581	50	939	50
255	50	633	200	986	50
309	50	678	50		
350	50	681	50		

Счётларининг сони 1000 дан ошган омонат кассаларида биринчи мингда қандай счёт номерлари ютган бўлса, янаги мингларда ҳам худди шу номерлар ютган, масалан: счёт № 1028, 2028, 3028 ва ҳоказо, счёт № 1062, 2062, 3062 ва ҳоказо.

Тираж комиссиясининг раиси А. И. ГОНЧАРОВ,
Тираж комиссияси раисининг ўринбосарлари Р. Ф. РОЖКОВА, Д. Ф. ЦИБИН.
Давлат кредити ва омонат ишига ёрдам комиссиясининг вакили К. М. БЕЛОВ.
Тираж комиссиясининг мас'ул секретари Н. Н. ВЕРЕВКИН.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/X да **Юрак сирлари**, 17/X да кундуз **Юрак сирлари**, кечқурун **Қутлуғ қон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **катта цирк тамошалари.** Аттракцион — **«Ўргатилган ҳинд филлари».** Ўргатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **А. Корнилов.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни **3 марта тамоша.**

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА». НАВОИЙ номли. «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН». «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — янги чехословак бадиий фильми **Нюрнбергдан чиққан экспресс.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН». НАВОИЙ номли. «УДАРНИК» — **Нюрнбергдан чиққан экспресс.**

ПУШКИН номли — **Дайди** (1-нчи серия).

«ИСКРА» — **Биринчи қўлқоп.**

ТЕЛЬМАН номли — **Богдан Хмельницкий.**

ТОШКЕНТ ТАКСОМОТОР ПАРКИ

гражданларга бил